

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Автомобиль йўллари қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари

Ш. Назаров

2022 й.



“ШАФФОФ ЙЎЛ” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИНИ

яратиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

2022 йил “___” _____дан амал қилади

МУНДАРИЖА

1. Умумий маълумотлар	5
1.1. Тизимнинг тўлик номи ва унинг шартли белгиланиши	5
1.2. Платформа буюртмачиси ва ишлаб чикувчиси ташкилотларининг номи реквизитлари.....	5
1.3. Платформани ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар рўйхати	5
1.4. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари.....	6
1.5. Молиялаштириш манбалари	6
1.6. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби	6
2. Платформанинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари.....	6
2.1. Платформа вазифаси.....	6
2.2. Платформанинг яратиш мақсадлари	7
3. Ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси	8
4. Платформага қўйиладиган талаблар	9
4.1.2 Қўмитанинг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасига қўйиладиган талаблар.....	11
4.1.3 Қўйи тизимлар рўйхати, уларнинг вазифаси ва асосий характеристикалари.....	11
4.1.4 "Бош саҳифа" модули.....	12
4.1.5 Ўзбекистон Республикасида Автомобиль йўлларида "Авария ҳолатлари" модуль тизими.....	12
4.1.6 "Янгиликлар" модули	14
4.1.6 "Рейтинг" модули	15
4.1.7 "Интерактив харита" модули	16
4.1.8 "Ҳужжатлар" модули	18
4.1.9 "Статистика" модули	18
4.1.10 "Боғланиш" модули.....	21
4.1.11 "Тендер" модули.....	21
5. Қўмитанинг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасидан фойдаланиш сценарийлари рўйхати ва тавсифи.....	26
5.2. Қўмитанинг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасини диагностика қилиш	33
5.3. Қўмитанинг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасини ривожлантириш, модернизациялаш истикболлари.....	33
5.4. Ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар.....	33
5.5. Турли вазифадаги фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига қўйиладиган талаблар	35
5.6. Платформа ходимларининг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар	36
5.7. Вазифаси кўрсаткичлари.....	37
5.7.1. Ишончилигига қўйиладиган талаблар	38
5.7.2. Техник воситалар ва дастурий таъминотнинг ишончилигига қўйиладиган талаблар	39
5.7.3. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар.....	40
5.7.4. Платформа компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар.....	41
5.7.5. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар.....	42
5.7.6. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар.....	42
5.7.7. Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар.....	42

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

5.7.8.	Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар	43
5.7.9.	Ташки таъсирдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар	43
5.7.10.	Қўшимча талаблар	43
5.8.	Платформа томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган талаблар.....	43
5.9.	Таъминот турларига қўйиладиган талаблар	45
5.9.1.	Математик таъминотига қўйиладиган талаблар	45
5.9.2.	Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар.....	45
6.1.	Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар.....	46
6.2.	Дастурий таъминотга қўйилган талаблар.....	46
6.4.	Техник таъминотига қўйиладиган талаблар.....	48
6.4.1.	Жадвал. Техник таъминотга қўйиладиган минимал талаблар.....	49
6.4.2.	Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар	50
6.4.3.	Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар.....	50
6.4.4.	Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар	50
7.	Платформани яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни.....	50
8.	Платформани назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби.....	52
8.1.	Платформани қабул қилиш тартиби.....	52
8.2.	Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари	53
8.3.	Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси	53
9.	Платформани ишга туширишга тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар.....	54
10.	Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар.....	55
11.	Ишланма манбаалари.....	55

1. Умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси **"Шаффоф йўл"** онлайн ахборот платформаси Техник топширик О'зDSt 1987:2018 "Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топширик" стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг **"Шаффоф йўл"** онлайн ахборот платформаси

Тизимнинг шартли белгиланиши: (кейинги ўринларда – **"Шаффоф йўл"** платформаси)

1.2. Платформа буюртмачиси ва Ишлаб чиқувчиси ташкилотларининг номи реквизитлари

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита).

Манзили: Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй.

Электрон почта: info@uzavtoyul.uz

Телефон рақамлари: (+99871) 207-67-68

Факс рақами: (+99871) 239-14-06

Ҳисоб рақами: 234 020 003 001 000 010

Шахсий ғазна ҳисоб варағи: 304 510 860 262 697 045 192 118 001

МФО: 00014 Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси

ИНН: 200 541 754

ОКОНХ: 97 300

ОКЭД: 84 111

"Шаффоф йўл" платформа ишлаб чиқувчиси амалдаги қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Давлат харидлари савдолари асосида аниқланади. Давлат харидлари савдолари **иккита лотда** амалга оширилади.

Биринчи лотда -- **"Шаффоф йўл"** платформаси асосий интерфейси ва унинг **"Бош саҳифа"**, **"Статистика"**, **"Интерактив харита"**, **"Ҳужжатлар"**, **"Янгиликлар"**, **"Боғланиш"** модуллари.

Иккинчи лотда – **"Рейтинг"**, **"Тендер"**, **"Авария ҳолатлари"** модуллари.

"Шаффоф йўл" платформасини ишлаб чиқишда муайян ишларни бажариш учун Ишлаб чиқувчи Буюртмачи билан келишган ҳолда бошқа ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

1.3. Платформани ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар рўйхати

Кўмитанинг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформаси қуйидаги ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги "Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчиликназоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 49-сон қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўнимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5177-сон қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон фармони;

5. Ахборот тизимини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа конун ва конуности ҳужжатларига ҳам асосланилиши мумкин.

1.4. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари

Бошланиши: 01.05.2022 йил.

Яқунланиши: 01.08.2022 йил.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг яратиш бўйича ишларнинг таркиби, мазмуни ва муддатлари мазкур техник топширикнинг 5-бўлимида келтирилган.

1.5. Молиялаштириш манбалари

“**Шаффоф йўл**” платформасини такомиллаштириш ва жорий этиш харажатлари давлат бюджети маблағларига амалга оширилади.

Лойиха бўйича ишларни молиялаштириш жараёни буюртмачи томонидан амалдаги конунчилик талаблари асосида амалга оширилади.

1.6. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

“**Шаффоф йўл**” платформасини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш ишлари мазкур техник топширикнинг еттинчи ва саккизинчи бўлимларида келтирилган талаблар асосида буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

Буюртмачининг хохишига кўра, буюртмачининг ўз мутахассислари ҳамда (ёки) буюртмачи томонидан жалб этилган бошқа мутахассислар иштирокида “**Шаффоф йўл**” платформасини қабул қилиб олиш учун махсус ишчи гуруҳи тuzилиши мумкин.

Буюртмачи бажарувчидан платформани махсус ишчи гуруҳи олдида ҳимоя қилиш ва тизимнинг ишлаш тартибини тўлиқ тушунтириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан шартномага асосан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги лозиматнома имзоланган кундан бошлаб, “**Шаффоф йўл**” платформаси буюртмачи томонидан фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилиб олинган ҳисобланади.

Иш натижаларини тақдим этиш қуйидагилардан ташкил топади:

- Тўлиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачининг мутахассислари томонидан тўлиқ синовдан ўтказилган платформа;
- Буюртмачининг мутахассислари учун платформадан фойдаланиш тартиби бўйича ўтказилган ўқув семинари;
- “**Шаффоф йўл**” платформаси фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган қоғоз ва электрон шаклдаги йўриқномалар.

2. Платформанинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари

2.1. “Шаффоф йўл” платформаси вазифаси

– автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш соҳасида мутлақо янги очиклик стандартларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш ҳамда соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш;

– автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

– автомобиль йўлларини куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва саклаш ишлари учун йўналтирилаётган маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказиш;

– автомобиль йўлларини куриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш объектларида олиб борилаётган йўл курилиш ишлари ҳақидаги, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари билан боғлиқ маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказиш;

– ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказиш;

– аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланишига раҳна солувчи омилар (светофорлар ва йўл белгилар ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий офатлар натижасида юзага келадиган ҳодисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар) ҳақида фото- ва видеомурожаатларни қабул килиш;

– платформада жойлаштириладиган маълумотлар базасини Автомобиль йўллари қўмитаси расмий веб-сайти ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли маълумотлар базалари билан интеграциялаштириш;

– автомобиль йўлларини куриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш объектларининг интерактив онлайн харитаси-схемасини ишлаб чиқиш ва платформага жойлаштириш;

– курилиши, реконструкция килиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини интерактив онлайн харитага жойлаштириш;

– умумий фойдаланишдаги 42 869 км автомобиль йўллариини интерактив харитага акс эттириш;

– автомобиль йўллариини куриш, таъмирлаш, реконструкция, лойиҳалаш ишлари бўйича танлов савдоларини ўтказиш;

– пудратчи корхоналар рейтингини юритиш.

2.2. Платформанинг яратиш мақсадлари

Платформани яратиш ва жорий килишда асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

– автомобиль йўллари соҳасида шаффофлик ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорликни жорий килиш;

– автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда автомобиль йўллари соҳасида тегишли маълумотларни очик ахборотлар шаклида жойлаштириш;

– курилиши, реконструкция килиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини интерактив онлайн харитага жойлаштириш;

– юридик шахслар томонидан режалаштирилган ишлар юзасидан (курилиш, таъмирлаш, лойиҳалаштириш, реконструкция ишлар) тендер танловлари асосида ўтказилганлигини Қўмита томонидан доимий равишда мониторинг олиб борилиши;

– аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланишига раҳна солувчи омилар (светофорлар ва йўл белгилар

ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий офатлар натижасида юзага келадиган ходисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар) ҳақида фото- ва видеомурожаатларни қабул қилиш.

3. Ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси

3.1. Қўмита фаолияти ва вазифалари.

Автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

Автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллантириш истикболларини белгилаш;

Автомобиль йўллари халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

Замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўллари молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

Автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш;

Хўжалиқларaro кишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, кишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг юқори транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлаш;

Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш.

3.2. Ҳозирги жараёнлар бўйича қисқача маълумот

Корхона ва ташкилотларда меҳнат жамоасини самарали бошқариш, ходимларнинг иш унумдорлиги ва ахборот билан таъминланганлик даражасини тубдан яхшилаш, ягона ҳуқуқий-меъёрий ҳажжатлар ахборот базасини яратиш, қўлдан келтирилган вақт ва моддий ресурсларнинг сарф-харажатларини қисқартиришда электрон ҳужжатлар айланиш тизими кенг жорий қилинмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда электрон ҳужжат алмашинуви учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, ушбу соҳани тартибга солувчи қуйидаги қонун ва қарорлар мавжуд:

-Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги 611-II-сон Қонун;

-Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ги Қонуни 562-II- сон Қонун;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қўғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 291-сонли қарор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 49-сонли қарорига асосан;

Автомобил йўллари соҳасида завоначий ахборот коммуникация тизимларини соҳага жалб қилиш орқали, ҳисоботларни онлайн кўринишга ўтказиш, маълумотларни

очиклигини таъминлаш, аҳолига соҳадаги амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот бериш ва шаффофликни таъминлаш.

Мазкур Қонунлар ва қарорнинг ижросини таъминлаш, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини, қоғоз кўринишидаги ҳужжатлардан босқичма-босқич электрон ҳужжат айланиш тизимларига ўтиш бўйича кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожини, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати айтиш шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини боғловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини бошқариш тизими, автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўлларини бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган кўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда.

4. Платформага қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқилаётган **“Шаффоф йўл”** платформаси қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак:

- техник топшириқда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- мижоз-сервер-маълумотлар базаси технологиясида ишлаши;
- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра платформага киритилган кичик ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан «Шаффоф йўл» платформаси сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;
- келажакда **“Шаффоф йўл”** платформаси функционал имкониятлари кўпайтирилиб, платформа такомиллаштириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;
- келажакда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши кўзда тутилган бўлиши;
- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптимал даражада талаб қилиши;
- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;
- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

- маълумотларнинг қулай ва тушунарли кўринишларда ақс эгтирилишини таъминлаши лозим.

Тизим уч босқичли марказлашган тузилмага эга бўлиб, республика бўйича ягона марказий маълумотлар базаси сервери, барча ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган сервер дастури ва веб-браузер орқали кириладиган дастурий интерфейздан ташкил топиши лозим.

Веб-браузер орқали кириладиган тизим очик ва ёник қисмлардан иборат бўлиб, ундан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобил қурилмалар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши лозим.

"Шаффоф йўл" платформаси очик қисмида платформага дахлдор бўлган умумфойдаланиладиган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

"Шаффоф йўл" платформасининг ёник қисми турли даражадаги ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг "Шахсий кабинет"ларидан иборат бўлиб, улар томонидан платформанинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ягона кириш жойига эга бўлиши лозим.

"Шаффоф йўл" платформасининг ёник қисми платформа доирасида фойдаланиладиган ахборотларнинг тартибли сақланиши, автоматик тарзда қайта ишланиши ва қулай интерактив таҳлилий шаклларда ақс эгтирилишини таъминлаши ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот билан таъминланганлик даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

"Шаффоф йўл" платформасининг барча фойдаланувчилари учун, уларнинг ҳудудий ва функционал фарқланишларидан қатъий назар платформа ягона нуسخада бўлиши лозим. Бунинг учун **"Шаффоф йўл"** платформаси фойдаланувчиларнинг турухлар ва роълар бўйича, шунингдек ҳудудлари, даражалари ва бошқа белгилари бўйича турларга ажратилган бўлиши ҳамда уларнинг барчаси ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, бир-бирига зарарли таъсир кўрсатмаган ҳолда, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ишончлилик — Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформаси маълумотларнинг захирасини, тизимда носозликлар ва фавқулодда вазиятлар бўлган тақдирда маълумотлар базасининг мантикий яхлитлигини йўқотмасдан тизимни қайта юклашни, тизимда хатоликлар юз берган тақдирда маълумотларни қайта ишлашнинг яхлитлигини сақлаш жараёнларини таъминлаши керак.

Масштаблилик — Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформаси қайта ишланган маълумотларни ҳажмини оширишга имкон бериш имкониятини яратиши керак.

Ахборот хавфсизлиги — Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформаси давлат ахборот тизимлари (ресурслари)нинг ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак.

Модуллилик — Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформасидаги функцияларни бажариш учун дастурий таъминот таркибига кириладиган, бир бири билан ўзаро ишлайдиган алоҳида модуллардан иборат бўлиши керак.

Унификация – маълумотларни электрон шаклда тавсифлаш, тақдим этиш, узатиш ва қайта ишлаш усуллари бир хиллаштирилган (унификацияланган) бўлиши керак.

Ўзгарувчанлик Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформасини ишлатиш жараёнида керакли ўзгариш ва қўшимчаларни осон қўшилишини таъминлаб бериши керак.

Мослашувчанлик — Қўмитанинг **"Шаффоф йўл"** платформаси мавжуд функцияларни бузмасдан (йўқотмасдан) янги функцияларни қўшиш имкониятини таъминлаши керак.

Интеграция – “Шаффоф йўл” платформасини узлуксиз ишлатишни таъминлаш керакли маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда маълумотлар алмашивуни таъминлаш.

4.1.2 Қўмитанинг “Шаффоф йўл” онлайн ахборот платформасига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформаси очик архитектура асосида ишлаб чиқиلىни, ҳар қандай таркибий қисмлар (компонентлар) киритилганда ўзининг умумий функцияларини йўқотмаслиги керак.

“Шаффоф йўл” платформаси марказлаштирилган бўлиши, яъни барча маълумотлар марказий омборда жойлашган бўлиши керак. Жараёнларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига эришиш учун “Шаффоф йўл” платформаси уч қисмли архитектурада амалга оширилиши керак:

- маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш қисми (Database Server);
- амалий мантик қисми (Application Server);
- маълумотлар билан ишлаш қисми (“Шаффоф йўл” платформаси фойдаланувчилари).

Ахборот тизимида фойдаланувчилар ва сервер ўртасида хавфсиз алоқани ўрнатиш учун SSL-сертификати ўрнатилиши керак.

SSL-сертификатини харид қилиш учун жавобгарлик Буюртмачига, уш тизимга ўрнатиш эса тизимни Ишлаб чикувчига оид бўлиши лозим.

4.1.3 Қуйи тизимлар рўйхати, уларнинг вазифаси ва асосий характеристикалари

“Шаффоф йўл” платформаси тузилиши қуйидаги асосий қуйи тизим ва модулларга бўлинади:

Таъминловчи қуйи тизимлар:

“Бош саҳифа” модули – “Шаффоф йўл” платформасидаги барча моддулар йиғиндисини умумий кўринишда маълумотларни. Янгиликлар интерактив хизматлар харитаси, ҳужжатлар, рейтинг, соҳага тегишли статистик маълумотлар ва бошқа маълумотлани ақс этирадиган модул.

Функционал модуллар:

“Фойдаланувчи кабинети” модули – ушбу модул қўмитанинг “Шаффоф йўл” платформасида рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг- (оператор, модератор, тизим администратори) платформадан фойдаланиш учун мўлжаллангандир. (Фойдаланувчиларнинг ролларига қараб маълумот киритилади, тўғриланади (корректировка), тасдиқланади, олиб борилган талбирлар натижаси киритилади, ҳамда мониторинг қилинади).

“Тизим администратори” модули - ушбу модул “Шаффоф йўл” платформасидаги фойдаланувчиларни яратиш рўйхатдан ўтказиш ва уларни роллар бўйича созилаш учун ишлатилади.

“Оператор” модули – ушбу модул **“Шаффоф йўл”** платформасидаги янгиликлар, сатистик кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларни тизимга киритиш, таҳрирлаш, жойлаштириш учун масъул ходим модули.

“Модератор” модули – ушбу модул **“Шаффоф йўл”** платформасига киритилган янгиликлар, сатистик кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларни тасдиқловчи ёки рад этувчи масъул ходим модули.

“Янгиликлар” модули – Қўмита томонидан амалга оширилган ишлар, талбирлар ва бошқа маълумотлар тизими.

“Интерактив харита” модули – Республикада амалга оширилаётган турли йўналишларда ўтказилаётган, (қурилиш, таъмирлаш, лойиҳалаштириш, реконструкция ишлари) тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган интерактив харита тизими.

“Хужжатлар” модули – Қўмита томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар билан тасдиқланган автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга оид «йўл хариталари» давлат ва инвестиция дастурлари ижроси бўйича маълумотлар.

“Рейтинг” модули – Қўмита томонидан белгиланган талаблари бўйича пулратчилар ва лойиҳачиларни баҳолаш тизими.

“Статистика” модули – Соҳага оид кўрсаткичлар модули.

“Тендер” модули – Электрон равишда автомобиль йўллари соҳасидаги объектлар учун пулратчи ва лойиҳачиларни саралаш тизими.

“Боғланиш” модули – Республика кесимида таъмирталаб, носоз йўллар бўйича муружатлар юбориш модул.

“Авария ҳолатлари модули” – ушбу модул **“Шаффоф йўл”** платформасидаги **Автомобиль йўлларида “Авария ҳолатлари”**ни анализ қилиш, онлайн мониторинг ўтказиш, ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва ҳисоботларни юритишга мулжалланган платформанинг функционал модули.

4.1.4 “Бош саҳифа” модули.

“Шаффоф йўл” платформаси барча моддулар йиғиндисини умумий кўринишда маълумотлар, Янгиликлар, Интерактив харита, Хужжатлар ва Рейтинг маълумотларни акс этирадиган модул.

Турли фойдаланувчилар томонидан киритиладиган маълумотлар турлари, линклар, статуслар, тэглар ҳар хил кўринишида ёзилишини олдини олиш мақсадига, юқорида келтириб ўтилганлар каталог (яъни справочник кўринишига келтирилади).

Функционал модуллар:


4.1.5 Ўзбекистон Республикасида Автомобиль йўлларида “Авария ҳолатлари” модул тизими

Автомобиль йўлларида “Авария ҳолатлар”ни анализ қилиш **“Шаффоф йўл”** платформасининг функционал модуллар тизими ҳисобланади:

Тизим автомобиль йўлларида “Авария ҳолатлари”ни анализ қилиш, Республикадаги йўлларда авария ҳолатларини анализ қилиш, улар тўғрисида маълумотларни тўплаш ва мониторинг олиб боришга мўлжалланган модули тизим.

Тизим автомобиль йўлларида авария ҳолатларини ҳисоботини тизимда юритиш уларни турли форматларда (docx, xlsx, pdf) шаклларида юклаб олиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси йўлларида авария ҳолатларини вилоят туман, ЙТХ сабаблари ва бошқа хусусиятлар кесимида кўриш, таҳлил қилиш, ва ҳисобот юритиш ва уларни юклаб олиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.



Авария ҳолатларини ақс этирувчи маълумотлар тўплами:

Йўл-транспорт ҳодисаси тури:

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган вақт

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой:

Аҳоли яшаш жойининг мақоми:

Кўчанинг аҳамияти:

Йўл-транспорт ҳодисасини келиб чиқишига сабабчи шарт– шароитлар:

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган йўл:

Йўлнинг тоифаси:

Йўлнинг аҳамияти:

Йўл шароитлари:

Қоплама тури:

Қатнов қисмининг ҳолати:

Ёритилганлиги:

Йўл, кўчанинг қисмлари:

Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузилиши:

Айбдор ҳайдовчилар ҳақида маълумотлар:

Малақаси:

Ёши рақам билан ёзилади.

Жинси:

Иш тажрибаси:

Ҳайдовчи қайси ташкилотда ўқиганлиги:

Йўл ҳаракати коидаларини бузилиши:

Йўл-транспорт ҳодисасини келиб чиқишига сабаб бўлувчи транспорт воситасининг техник носозликлари:

Йўл-транспорт ҳодисасида катнашган ҳар бир транспорт воситаси бўйича:

Йўл-транспорт ҳодисасида катнашган ҳар бир транспорт воситаси бўйича:

Ҳайдовчи:

Транспорт воситаси:

Транспорт воситаси эгаси:

Худудий тегишлилик:

Тиркама, ярим тиркаманинг борлиги:

Жами ҳалок бўлганлар ва тан жароҳати олганлар:

Йўл-транспорт ҳодисаси катнашчиларининг жинси ва ёши:

Йўл-транспорт ҳодисаси катнашчиларининг тоифаси:

Хавфсизлик тасмаси, мотошлем:

Жабирланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, иш (ўқиш) жойи, ётқизилган шифохона, жароҳатнинг даражаси.

Йўл-транспорт ҳодисаси тафсилоти

4.1.6 “Янгиликлар” модули

Янгиликлар модули – Қўмита томонидан соҳадаги бўлаётган жараёнлар, талбирлар ва ўзгаришлар ҳақида маълумотларни жойлаш имкониятини берадиган **“Шаффоф йўл”** платформасининг функционал модуллар тизими ҳисобланади:


Сўнгги янгиликлар



Шаҳрингйада нима бўлаётганидан бохабар бўлинг
19 December 2021



Шаҳрингйада нима бўлаётганидан бохабар бўлинг
19 December 2021



Шаҳрингйада нима бўлаётганидан бохабар бўлинг
19 December 2021

Барчаси

Модул — автомобиль йўллари соҳасида долзарб мавзудаги сўнгги маълумотларни тўплаш ва **“Шаффоф йўл”** платформасининг фойдаланувчиларига соҳада олиб борилаётган янгиликлар модули.

Модул қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим.

1. Сарлавҳа қисми.
2. Матн қисми.
3. Ҳужжат ва расм юклаш имконияти.

Ушбу модул **“Шаффоф йўл”** платформасининг бош сарлавҳасида аке эгиши лозим.


4.1.6 “Рейтинг” модули

Рейтинг модули – Қўмита томонидан соҳадаги лойиҳачи ва пудратчиларни иш самарадорлигини баҳолашга мўлжалланган бўлиб уларни баҳолашга мўлжалланган “Шаффоф йўл” платформасининг функционал модуллар тизими ҳисобланади:

Баҳолаш балл усулида 4 (тўрт) хил турга бўлинади.

- А) 50 — Яшил
- Б) 39-49 - Сарик
- С) 29-38 - Қизил
- Д) 19-28 — Қора

Модул – Пудратчиларнинг рейтинг баллари қуйидаги мезонлар асосида тизим томонидан автоматик баҳоланади.



Пудратчилар учун баҳолаш мезонлари:

1. Шартномавий режанинг ўз вақтида бажарилганлиги
2. Объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлиги
3. Охириги 3 йилликда йўл объектларида ўз кучи билан бажарган иш ҳажми.
4. Йўл қурилиш ишларидаги тажрибаси
5. Ўтган йилдаги фойдаси (солик тўлангунга қадар)
6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0.2 ва ундан кўп


7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 17 та дан кам бўлмаган охириги 15 йилликда ишлаб чиқарилган қурилиш махсус машина ва механизмларининг мавжудлиги
8. Назорат органлари томонидан объектларда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида расмийлаштирилган далолатномалар сони
9. Муддати ўтган кредиторлик, солиқ ва бошқа қарздорликларнинг қорхона активига нисбатан фоизи
10. Кўприкларни қуриш ва таъмирлаш фаолияти бўйича лицензияси мавжудлиги

Лойиҳачилар учун баҳолаш мезонлари:

1. Иштирокчининг иш тажрибаси
2. Шартномавий режанинг ўз муддатида бажарилганлиги
3. Иштирокчининг ташкилий шакли
4. Ташкилотда 10 кишидан кам бўлмаган малакали лойиҳачи ва мутахассисларнинг мавжудлиги
5. Ташкилотда иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 2 та лойиҳа бош муҳандиси (ЛБМ) нинг мавжудлиги
6. Ташкилотда иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича 4 та муҳандис техник ходимлар мавжудлиги
7. Бюджет олдида қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги
8. Иштирокчининг тегишли даври учун ходимларнинг ўртача йиллик иш хақи жамғармаси
9. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0.2 ва undan кўн
10. Иштирокчининг асосий воситалари қолдиқ қиймати
11. Иштирокчининг ўтган йилда фойдаси (солиқ тўлангунга қалар)
12. Иштирокчининг сўнгги уч йил давомида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари сони

4.1.7 «Интерактив харита» модули

Интерактив харита модули – Республикада таъмирланаётган, таъмирланиб бўлган ва режалаштирилган йўлларни интерактив визуал кўринишини таъминловчи **“Шаффоф йўл”** платформасининг функционал модуллар тизими:



Модул – Давлат маблаглари томонидан таъмирланаётган йўллар тўғрисида интерактив кўринишда маълумотларни кўриш модули. Ушбу модул орқали фойдаланувчилар таъмирланаётган йўлни геолокациясини ва техник паспортини кўриш имконияти мавжуд.

Йўллар 3 (уч) хил статусга эга.

1. Таъмирланаётган – Қизил.
2. Таъмирланиб бўлган – Яшил
3. Таъмирланиши режалаштирилган - Кўк

Хар бир статусга эга булган йўл объекти техник паспорти тизимда акс этирилади.


Техник паспорт қўйидашиларни ўз ичига олади:

1. Объект номи
2. Манзил
3. Узунлиги
4. Таъмирлаш тури
5. Бошланиш санаси
6. Яқунланган сана
7. Бош пудратчи
8. Бош лойиҳачи
9. Буюртмачи
10. Молиялаштириш манбаи
11. Фотожамланма (3 тагача)

Интерактив харитада умумий фойдаланишдаги **42 695 км** автомобиль йўллари тўлиқ шакллантирилиши керак ва модулда визуал кўринишда акс этирилиши керак.

4.1.8 “Хужжатлар” модули

Хужжатлар модули – Соҳага оид норматив ҳужжатлар, Президент қарор ва формаонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Қўмита томонидан қабул қиланган ҳужжатлар тўпламини ўз ичига олган “**Шаффоф йўл**” платформасининг функционал модуллар тизими:



Модул – Тизимдаги ушбу ҳужжатларни турли форматларда (docx, xlsx, pdf) шаклларида юклаб олиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.


4.1.9 “Статистика” модули

Статистика модули – Соҳага оид бўлган турли кўрсаткичларни аке этириш имконини берувчидан “**Шаффоф йўл**” платформасининг функционал модуллар тизими:

Модул – Ушбу модулда соҳага оид кўрсаткичларни интерактив кўринишда, Диаграмма, жадвал, график кўринишда платформада аке этирилиши лозим. Ушбу модул “**Шаффоф йўл**” платформасининг бош саҳифасида аке этиши зарур ва қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

СЎНГГИ СТАТИСТИКА

Ушбу рунда Республика ҳудуди бўйлаб бажарибги ишлар сарқисоми ажратилган ҳомашё ва сарф-қаражатлаи ҳисоботи акс эттирилган. Барча маълумотлар Автомобиль йўллари ҳўмитаси томонидан тасдиқланган.



1. Республика ва ҳудудий жамғармаларга республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар
2. Автомобиль йўллари соҳасига ажратиладиган ҳалқаро молия институтлар маблағлари
3. Автомобиль йўллари соҳасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратмалари
4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларини молиялаштириш учун ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар
5. Ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунклари кўчалари учун маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари томонидан ажратилган маблағ (жорий этиладиган йиғимлардан тушумлар)
6. Автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлардан келиб тушадиган маблағлар
7. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун йиғимнинг базавий ставкасига кўшимча коэффициентларни кўллашдан тушадиган маблағлар
8. Ҳудудий жамғармаларга Республика жамғармасидан трансфертлар
9. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариининг ажратилган минтакаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки реклама объектлари (конструкциялари) куриш учун электрон аукционлар якулари бўйича ҳуқуқ тақдим этишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, ташки рекламанинг ўрнатилган объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловлар
10. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариининг йўл бўйи минтакасида жойлашган ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа объектларини жойлаштириш ва куриш учун мазкур ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағлар

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

11. Автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларида олиб борилаётган йўл қурилиш ишлари ҳақида маълумотлар

12. Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан қозиш, уларда сунъий потекистиклар ва тўсиклар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қондаларини бузиш ҳолатлари бўйича маълумотлар

13. Сув хўжалиги вазирлиги қармоғидаги идоравий йўллар ва кўприклар ҳолати, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот

14. Сув хўжалиги вазирлиги қармоғидаги идоравий йўллар ва кўприклар ҳолати, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари тўғрисида маълумот

15. Норматив ҳужжатлар билан тасдиқланган автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга оид «йўл хариталар», давлат ва инвестиция дастурлари ижроси бўйича маълумотлар

16. Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан қозиш, уларда сунъий потекистиклар ва тўсиклар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатномалар тўғрисида маълумотлар

17. Вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида тегишлилиги бўйича объектларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот (йўлларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари ҳаражатлар сметаси)

18. Юк ташиш воситаларига берилган рухсатномалар сони

19. Ўтказилган тендерлар сони ва тежалган маблағ суммаси

20. 1км йўл қуриш ўртача бозор нархи

21. Йил давомида таъмирланган ва қурилган йўллар ҳақида маълумот (км)

22. Тупроқ йўллар ва шағал йўллар ҳақида маълумот (км)

23. Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан таъмирлаш таклиф этилаётган таъмирталаб йўллар

24. Ички йўллар ҳақида маълумот

25. Асфальт ишлаб чиқарувчи корхоналар

26. Техникалар сони

4.1.10 “Боғланиш” модули

Боғланиш модули – Республика кесимида таъмирталаб, носоз йўллар бўйича мурожаатлар юбориш “Шаффоф йўл” платформасининг функционал модуллар тизими:

Модул – Ушбу модул йўл соҳасида камчиликларни бартараф этишда қўлланиладиган модул ушбу модул кўйидаги шаклда мурожаат юбориш имконияти мавжуд бўлиши зарур:

1. ФИШ
2. Телефон раками
3. Почта манзили
4. Вилоят
5. Туман
6. Кўча номи
7. Геолокация
8. Шарх
9. расм юклаш



4.1.11 “Тендер” модули

Тендер модули – Соҳалаги йўл объектларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция, лойиҳалаш ишлари бўйича Пудратчиларни танлаш имконини берувчи электрон кўринишдаги “Шаффоф йўл” платформасининг модули:

"SHAFFOF YO'L" ON-LAYN AXBOROT PLATFORMASI

№ лота: 22110012059996

Категория :

Qashqadaryo viloyati ichiki ishlar boshqarmasining 75 oʻrinli muayyan yashash joyiga ega boʻlmagan shaxslarni reabilitatsiya qilish markazini qurish

📍 Кашкадарьинская область, Карши

Старт. цена: 131,295,970 UZS

Дата окончания: 01.04.2022 00:06

🔔 Получить уведомления

Подробнее

№ лота: 22110012059997

Категория :

Kasbi tumani "Mushqoqi" MFYdagi mavjud madaniyat markazini mukammal ta'mirlash va jihozlash (binoni ta'mirlash va jihozlash) 2-bosqich

📍 Кашкадарьинская область, Карши

Старт. цена: 119,580,000 UZS

Дата окончания: 01.04.2022 00:11

🔔 Получить уведомления

Подробнее

№ лота: 22120012059203

Категория :

Выполнение ремонтных работ по гуммировке внутренних поверхностей фильтров водоподготовительных установок химического цеха АО «Sirdaryo IES».

📍 Сырдарьинская область, Ширин

Старт. цена: 554,550,000 UZS

Дата окончания: 01.04.2022 07:37

🔔 Получить уведомления

Подробнее

№ лота: 22110012058665

Категория :

жорий таъмир

Старт. цена: 93,000,000 UZS

🔔 Получить уведомления


Подробнее

Модул - Ушбу модул кўйидаги фойдаланувчиларни ўз ичига олади.

1. Буюртмачи – Электрон тендер ўтказиш учун буюртма берувчи давлат ташкилоти.
2. Ташкилотчи - Буюртмачи сўровига асосан электрон тендерни ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи ташкилот.
3. Иштирокчи - Эълон қилинган электрон тендерларга ўз таклифини киритувчи оферент.


Тизимга кириш ва тендерда иштирок этиш учун барча фойдаланувчилар электрон рақамли имзо (ЭРИ) қалитларидан фойдаланишлари зарур. Тендер ўтказиш тартиби қонунчиликда белгиланган талаблар асосида ўтказилади. Тендер якунларига асосан **"Шаффоф йўл"** платформасида электрон протокол автоматик равишда шаклланади.

Электрон тендерларда иштирок этиш учун иштирокчилардан пул маблағларини қабул қилиш ҳамда голиб иштирокчидан комиссия миқдорини ундирини учун модулда ҳисоб рақам яратилади.



Кўмитанинг «Шаффоф йўл» платформаси архитектураси куйидаги шаклда бўлиши керак.

Платформанинг архитектураси.



Қуйи тизимларнинг ўзаро ишлаш схемаси

“Шаффоф йўл” платформасида фаолият кўрсатувчи фойдаланувчилар қуйидагилардан иборат:

- Тизим администратори
- Қўмитанинг масъул ходимлари (модератор)
- Оператор (маълумот киритувчи)

Платформанинг модуллари ҳамда уларнинг вазифалари мазкур техник тошпирикнинг 4-бўлимида келтирилган.

Платформанинг тўлақонли ва оптимал ишлашини таъминлаш учун, унинг модуллари ягона мажмуа сифатида ишлаши лозим. Платформа халқаро Интернет тармоғига уланган ҳолда ишлайди. Платформа барча фойдаланувчилари учун, уларнинг ҳудудий ва функционал фарқланишларидан катъий назар Платформа ягона нусхада бўлиши лозим. Бунинг учун «Шаффоф йўл» платформасида фойдаланувчиларнинг турохлар ва роллар бўйича, шунингдек ҳудудлари, даражалари ва бошқа белгилари бўйича турларга ажратилган бўлиши ҳамда уларнинг барчаси ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, бир-бирига зарарли таъсир кўрсатмаган ҳолда, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

Платформанинг ишлашни белгилаб берувчи режимларга қўйиладиган талаблар

Қўмитанинг «**Шаффоф йўл**» платформаси учун куйидаги ишлаш режимлари белгиланган:

- нормал ишлаш режими;
- авариявий ишлаш режими.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг асосий иш режими нормал режим ҳисобланади.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг ишлашининг нормал режимида:

- сервер дастурий таъминоти ва серверларнинг техник воситалари хизмат кўрсатишга танаффуслар билан кечаю кундуз ишлаш имкониятини таъминлайди;

- Платформа, фойдаланувчилар ҳамда “**Шаффоф йўл**” платформаси администраторининг техник воситалари иш кўни давомида ишлаш имкониятини таъминлайди;

- техник воситалар мажмуи ташкил этувчи ускуналар соз ҳолда ишлашни таъминлайди.

“**Шаффоф йўл**” платформаси нормал ишлаш режимини таъминлаш учун тегишли техник хужжатлар (техник хужжат, эксплуатация қилиш йўриқномаси ва х.к.)да кўрсатилган «**Шаффоф йўл**» платформанинг дастурий таъминоти ва техник воситалари комплексини эксплуатация қилиш талаблари ва шартларини бажариш зарур.

“**Шаффоф йўл**” платформаси ишлашининг авариявий режими дастурий ва (ёки) техник таъминот бир ёки бир нечта компонентларининг ишламай қолиши билан тавсифланади.

Авариявий режимга ўтган ҳолда “**Шаффоф йўл**” платформасидаги маълумотлар сақланган ҳолда барча иловаларнинг ишини тугатиш имконияти таъминланиши керак.


Шундан сўнг “**Шаффоф йўл**” платформасининг авариявий ҳолатга ўтиш сабабларини бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш талаб этилади.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг барқарор ишлаши учун талаб этилган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолатда, администраторлар аралашувсиз 24/7 режимида доимий ва тўхтовсиз ишлашга мўлжалланган бўлиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформасида дастурий таъминотга қўшимча функционал имкониятларнинг кўшилиб бориши ҳамда техник воситаларнинг кучайтириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформаси фойдаланувчиларининг сони ёки фойдаланиш кўлами кенгайган ҳолларда, дастурий ва техник таъминотнинг ишлаш тезлигини ошириш талаб этилиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган бўлиши лозим.

5. Кўмитанинг «Шаффоф йўл» онлайн ахборот платформасидан фойдаланиш сценарийлари рўйхати ва тавсифи



UML диаграммаси кўринишидаги кўмитанинг “Шаффоф йўл” платформасининг фойдаланиш сценарийларининг умумий модели В.1-расмда берилган.

“Шаффоф йўл” платформасидан фойдаланиш сценарийларининг умумий модели.

“Шаффоф йўл” платформасидан фойдаланиш сценарийларининг рўйхати

В.1-жадвалда берилган:

В.1-жадвал

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

Идентификация раками	Фойдаланиш сценарийсининг номи	Иш кўрадиган шахелар	Сценарий тури
A1	Платформага кириш, фойдаланувчи яратиш, тизимни бошқариш	"Шаффоф йўл" платформаси тизим администратори	Асосий
U1	Платформага кириш, маълумотларни шакллантириш	"Шаффоф йўл" платформасига Янгиликлар ва рейтинг маълумотларини киритишга масъул оператор	Асосий
U2	Платформага кириш, маълумотларни шакллантириш	"Шаффоф йўл" платформасига статистик кўрсаткичлар ва соҳага оид хужжатлар киритишга масъул оператор.	Асосий
U3	Платформага кириш, аризаларни кўриб чиқиш	"Шаффоф йўл" платформасига Аризаларни кўриб чиқишга масъул оператор.	Асосий
U4	Платформага кириш, маълумотларни шакллантириш	"Шаффоф йўл" платформасига (Қурилиш, таъмирлаш, реконструкция) ишларини интерактив харитага юклаш учун масъул ходим	Асосий
U5	маълумотларни шакллантириш Авария ҳолатлари модулига кириш	Авария ҳолатлари модули операторлари	Асосий
M1	Кўмига томонидан киритилган маълумотларни кўриб чиқиш	Авария ҳолатлари модули модератори	Асосий
M2	Кўрсаткичлар, янгиликлар ва интерактив харитага юкланаётган	Модератор — Статистика, хужжатлар, интерактив харита, янгиликлар, рейтинг, боғланиш	Асосий

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

	маълумотларни кўриб чиқиш.		
M3	Эълон қилинаётган тендерларни кўриб чиқиш	Тендер модули оператори	Асосий
T1	Электрон тендерни яратиш	Рўйхатдан ўтган буюртмачи	Асосий
T2	Электрон тендерни ташкиллаштириш ва ўтказиш	Рўйхатдан ўтган ташкилотчи	Асосий
T3	Электрон тендерда иштирок этиш	Рўйхатдан ўтган иштирокчи	Асосий

“A1” фойдаланиш сценарийси: Платформага кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори томонидан “Шаффоф йўл” платформасидаги фойдаланувчиларни яратиш рўйхатдан ўтказиш уларни роълар бўйича сошлаш ва тахрирлаш ишларини амалга оширади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Тизим администратори томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи (Администратор) кабинетига кириш вақти 2 сония дан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи (Администратор) кабинетига кириш.

“U1” фойдаланиш сценарийси: Платформага кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Оператор кабинетига кириш.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “Шаффоф йўл” платформасига – Янгилекларни юклайди, рейтинг маълумотларини киритишга масъул ходим (оператор) ушбу фойдаланувчи оператор техник хужжатнинг 4.1.5 ва 4.1.6 бандларида келтирилган маълумотларни киритади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“U2” фойдаланиш сценарийси: Платформага кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Оператор кабинетига кириш.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “Шаффоф йўл” платформасига – статистик кўрсаткичлар ва

хужжатлар киритишга масъул ходим (оператор) ушбу фойдаланувчи оператор техник хужжатнинг 4.1.8 ва 4.1.9 бандларида келтирилган маълумотларни киритади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“U3” фойдаланиш сценарийси: Платформага кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Оператор кабинетига кириш.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “Шаффоф йўл” платформасига – аризаларни кўриб чикувчи масъул ходим (оператор) ушбу фойдаланувчи оператор 4.1.10 бандида келтирилган шаклда мурожаатни 3 (уч) иш куни ичида қабул қилиб олади ва ушбу мурожаатни 10 (ўн) иш куни ичида кўриб чиқади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“U4” фойдаланиш сценарийси: Платформага кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Оператор кабинетига кириш.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “Шаффоф йўл” платформасига – Курилиш, таъмирлаш, реконструкция ишларини интерактив харитага юклаш учун масъул ходим (оператор) ушбу фойдаланувчи оператор 4.1.7 бандида келтирилган шаклда маълумотларни жойлаштиради.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“U5» фойдаланиш сценарийси: Авария ҳолатлари модулига кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: модул операторлари.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “Шаффоф йўл” платформасига – Авария ҳолатлари ҳақида маълумот киритиш учун масъул ходим (оператор) ушбу фойдаланувчи оператор 4.1.4 бандида келтирилган шаклда маълумотларни жойлаштиради.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“М1” фойдаланиш сценарийси: Авария ҳолатлари модулига кириш

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Модератор.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “**Шаффоф йўл**” платформасига Авария ҳолатлари хақида киритилган маълумотларни текширади – қабул қилади ёки сабабини кўрсатган ҳолда рад этади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“М2” фойдаланиш сценарийси: Статистика, ҳужжатлар, интерактив харита, янгиликлар, рейтинг, боғланиш модулларини кабинетига кириш.

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Модератор.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “**Шаффоф йўл**” платформасининг қўйидаги модуллари Статистика, ҳужжатлар, интерактив харита, янгиликлар, рейтинг, боғланиш тизимларига келиб тушган маълумотларини текширади – қабул қилади ёки сабабини кўрсатган ҳолда рад этади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“М3” фойдаланиш сценарийси: Тендер модули кабинетига кириш.

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Модератор.

Сценарийни бажариш тартиби: Тизим администратори тарафидан берилган логин-пароль асосида “**Шаффоф йўл**” платформасининг Тендер модулига келиб тушган электрон тендер эълон қилиш сўровини текширади – қабул қилади ёки сабабини кўрсатган ҳолда рад этади.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль киритилгандан кейин Фойдаланувчи кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль

Чиқиш маълумотлари: Фойдаланувчи кабинетига кириш.

“Т1” фойдаланиш сценарийси: Тендер модули кабинетига кириш.

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Буюртмачи.

Сценарийни бажариш тартиби: Рўйхатдан ўтган логин-пароль ёки ЭРИ калит асосида “**Шаффоф йўл**” платформасининг Тендер модулига кириш ва керакли



маълумотларни тўлдирган ҳолда электрон тендер яратиш, электрон тендерни ўтказиш учун ташкилотчига сўров юбориш. Электрон тендер якунлангач акцентни имзолаш, электрон протоколни юклаб олиш.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль ЭРИ калит киритилгандан кейин Тендер модули кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль, ЭРИ калит

Чиқиш маълумотлари: Тендер модули кабинетига кириш.

“Т2” фойдаланиш сценарийси: Тендер модули кабинетига кириш.

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Ташкилотчи.

Сценарийни бажариш тартиби: Рўйхатдан ўтган логин-пароль ёки ЭРИ калит асосида “Шаффоф йўл” платформасининг Тендер модулига кириш ва бюртмачидан келиб тушган сўровларни қабул қилиш, керакли маълумотларни тўлдирган ҳолда электрон тендер яратиш ва уни эълонга чиқариш.

Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль ЭРИ калит киритилгандан кейин Тендер модули кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль, ЭРИ калит

Чиқиш маълумотлари: Тендер модули кабинетига кириш.

“Т3” фойдаланиш сценарийси: Тендер модули кабинетига кириш.

Асосий фаолият кўрсатувчи шахс: Иштирокчи.

Сценарийни бажариш тартиби: Рўйхатдан ўтган логин-пароль ёки ЭРИ калит асосида “Шаффоф йўл” платформасининг Тендер модулига кириш ва эълон қилинган тендерларга ўз таклифини юбориш, керакли зақалад миқдорини ўтказиш, берилган таклифни таҳрирлаш ёки бекор қилиш, якунланган тендерлар бўйича хабарнома олиш.


Сценарийни бажариш учун вақт регламенти:

Фойдаланувчилар томонидан логин-пароль ЭРИ калит киритилгандан кейин Тендер модули кабинетига кириш вақти 2 сониядан ошмаслиги керак.

Кириш маълумотлари: Логин-пароль, ЭРИ калит


Чиқиш маълумотлари: Тендер модули кабинетига кириш.

**Курилиш, таъмирлаш, лойihalаштириш, реконструкция ишлари учун
Интерактив харитани шакллантириш
СХЕМАСИ**



* — *Интерактив харитани шакллантириш босқичлари қуйида келтирилган:*

**Авария холатларини анализ қилиш тизими
СХЕМАСИ**



5.2. Қўмитанинг «Шаффоф йўл» онлайн ахборот платформасини диагностика қилиш

“Шаффоф йўл” платформаси ва техник воситаларнинг диагностикаси тизимли операцион тизимлари, алоҳида иш станциялари операцион тизимлари ҳамда маълумотлар базасини бошқариш тизимларининг стандарт режимларида амалга оширилиши керак.

Авариявий вазиятлар ёки дастурий таъминотда хатолар юзага келганда, диагностика воситалари муаммони идентификациялаш учун Ишлаб чиқувчига зарур бўлган ахборотнинг тўлиқ тўпламини сақлаш имконини бериши керак (хотиранинг ва файлли тизимнинг жорий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган жараёнлар журнали).

5.3. Қўмитанинг «Шаффоф йўл» онлайн ахборот платформасини ривожлантириш, модернизациялаш истикболлари

“Шаффоф йўл” платформасининг лойиҳавий ечимлари қуйидаги йўналишларда модернизациялаш ва ривожлантириш учун имкониятлар яратиши керак:

бир вақтнинг ўзида жараёнларнинг сонининг кўпайиши ёки тизимнинг ишончилиги ва тезлигига путур етказмасдан фойдаланувчилар сонининг кўпайиши (аппарат таъминотининг қувват кўрсаткичларини кўпайтириш ҳисобига);

маълумотлар алмашинуви форматлари ва протоколларини ўзгартирилиши (кўшиш ва кенгайтириш);

қонунчиликдаги ўзгаришларга ва шунга мос равишда автоматлаштирилган жараёнларга мослашиш;

бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш.

Шунингдек, масштаблаш йўли билан унумдорликни ошириш имкониятини кўзда тутиш зарур.

5.4. Ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар

Қўмитанинг «Шаффоф йўл» платформаси ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга мўлжалланган. Агар керак бўлса, бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашига (интеграцияга) очик бўлиши керак (жумладан, Буюртмачининг талаби асосида классификаторлар, норматив ҳуқуқий маълумотлар омбори билан улаш мисолида).

Истикболда Платформа бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашида О‘зДСт 2590:2012 «Ахборот технологияси. Миллий ахборот тизимини шакллантиришда фойдаланадиган давлат органларининг ахборот тизимларини интеграцияси ва ўзаро ишлашига қўйиладиган талаблар» ва О‘зДСт 1135:2007 “Ахборот технологияси. Давлат бошқаруви ва давлат маҳаллий ҳокимият органларининг маълумотлар базаси ва ўртасида ахборот алмасхувига қўйиладиган талаблар”га мос равишда амалга оширилиши керак.

Ташқи тизимлар билан ўзаро ҳамкорлик қўйи тизими электрон ҳуқуқат тизимининг бир қисми бўлган бошқа ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан қонуний аҳамиятга эга бўлган ахборот ҳамкорлигининг технологик имкониятларини таъминлаш учун мўлжалланган.

Қўйи тизим қуйидаги модуллардан иборат:

1. Идоравий Ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик модули;
2. Давлат Маълумотлар базалари билан ўзаро ҳамкорлик модули;

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

3. БМ ва АХ хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик модули;
4. Идоралараро ҳужжат айланиш тизими билан ўзаро ҳамкорлик модули.

Идоравий Ахборот тизимлари билан ҳамкорлик модули ахборот тизимининг бир қисми бўлган платформа ва бошқа Ахборот тизимлари ўртасида тартибга солинадиган маълумотлар алмашинувини таъминлайди. Модуль қуйидаги функцияларни бажариши керак:

– Электрон ҳукумат тизимини ташкил этувчи Ахборот тизимларидан тартибга солинадиган зарур маълумотларни олиш имконияти. Маълумотларни олиш О'зДSt 2590-2012 да баён қилинган талаблар ва фойдаланилган протоколларни ҳисобга олган ҳолда идоралараро интеграция платформаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида фойдаланиладиган давлат органларининг интеграцияси ва ўзаро ҳамкорлигига қўйиладиган талаблар асосида амалга оширилиши керак.


– О'зДSt 2590-2012 да тасвирланган талаблар ва амалдаги протоколларга мувофиқ, Идоралараро ахборот тизимлари орқали узатиладиган учинчи томон Ахборот тизимлари сўровларини рўйхатга олиш ёки электрон архивдаги маълумотларни олиш ёки ўзгартириш учун қайта ишлаш қобилияти миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида фойдаланиладиган давлат органларининг Ахборот тизимлари интеграцияси ва ўзаро ҳамкорлигига қўйиладиган талаблар.

Давлат органлари маълумотлар базалари билан ўзаро ҳамкорлик модули Давлат Маълумотлар базалари билан ўзаро ҳамкорлик модули Давлат маълумотлар базалари, реестрларда ва электрон ҳукумат тизимини ташкил этувчи бошқа ахборот ресурсларида сақланаётган зарур маълумотларни тартибга солинишини таъминлаши керак.

Ўзаро ҳамкорлик О'зДSt 1135-2007 да тасвирланган қоидалар ва фойдаланилган протоколларга мувофиқ МБ талаблари ва давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ахборот алмашиш.

БМ ва АХ хизматлари билан ўзаро алоқа модули тасдиқлаш марказлари ва хизматлари билан ўзаро алоқа модули кичик тизимни идентификация марказининг дастурий таъминоти ва бошқа ташқи АХ хизматлари билан интеграциялашнинг техник имкониятларини таъминлаши керак.

Идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизими билан ўзаро ҳамкорлик модули қуйи тизимни идоралараро ҳужжат айланиш тизими билан интеграциялашнинг техник имкониятларини таъминлаши керак. Ўзаро ҳамкорлик О'з.Т 45-169-2009 да баён қилинган Ўзбекистон Республикаси идоралараро Ҳужжат айланиш тизимига қўйиладиган талаблар қоидалари ва баённомалари асосида таъминланиши керак.



5.5. Турли вазифадаги фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига қўйиладиган талаблар

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимида бажарадиган ишлар хусусиятига қараб қуйидаги асосий ролларга бўлинади:

Роллар	Амалга ошириладиган асосий функциялар
Тизим администратори	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформасида фойдаланувчиларни яратиш; • Фойдаланувчилар ҳуқуқларини тақсимлаш ва чеклаш; • Платформада нормал режимда ишлашини таъминлаш; • Фойдаланувчиларнинг платформадаги ҳаракатларини назорати (логирование).
Ахборот хавфсизлиги администратори	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш; • Ахборот ресурсларига руҳсатсиз киришдан ҳимоя қилишни таъминлаш.
Маълумотлар базаси сервери администратори	<ul style="list-style-type: none"> • Маълумотлар базасининг нормал режимда ишлашини таъминлаш; • Маълумотлар базасининг захира нуسخасини яратиш;

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

	<ul style="list-style-type: none"> • Хатолик юз берганда маълумотлар базасини тиклаш; • Маълумотлар базаси ишлашидаги асосий кўрсаткичлари мониторинги; • Маълумотлар базаси ишлашини оптималлаштириш ва созлаш ишлари: • Архивация; • Миграция; • Синхронизация
<p>Модераторлар — Кўмита, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари масъул ходимлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформасини ишлашида иштирок этиши (масъул операторлар томонидан киритилган маълумотларни текшириш, тасдиқлаш, рад этиш) • Мониторинг олиб бориш; • Платформа фаолияти натижаларидан фойдаланиш.
<p>Оператор – Кўмита, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари масъул ходимлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформасини ишлашида иштирок этиш, маълумотларни киритиш таҳрирлаш) • Мониторинг олиб бориш; • “Шаффоф йўл” платформаси фаолияти натижаларидан фойдаланиш.
<p>Кузатувчи</p>	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформаси фаолияти натижаларидан фойдаланиш
<p>Тендер модули фойдаланувчи</p>	<ul style="list-style-type: none"> • “Шаффоф йўл” платформасини ишлашида иштирок этиши Ўз ваколатлари доирасидага ва ўзига тааллуқли маълумотларни киртиш ва кўриши; • “Шаффоф йўл” платформаси фаолияти натижаларидан фойдаланиш. • Электрон тендер яратиш ва ўтказиш.

5.6. Платформа ходимларининг сони ва малакасига кўйиладиган талаблар
“Шаффоф йўл” платформасидан фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

- Модераторлар – 100 тагача;
- Операторлар – 1 000 тагача;
- Администраторлар – 1 та
- Кузатувчи – 10 тагача.

Авария ҳолатларини анализ қилиш тизим фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- Модератор – 2 тагача;
- Оператор – 15 тагача;

Тендер модули тизими фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- Модератор – 20 тагача;
- Фойдаланувчилар (бююртмачи, ташкилотчи, ишгирокчи) – 10 000 тагача;

“Шаффоф йўл” платформасининг барқарор ишлаши учун қуйидагилар талаб этилади:

- серверлар, сервер дастурий таъминотлари ва ахборот узатиш тармоқларининг бенуксон ҳамда узлуксиз ишлаши таъминланиши;
- администраторлар томонидан платформага бошланғич маълумотларнинг тўғри киритилиши ва махсус администраторлик дастури ёрдамида платформани тўғри бошқариб борилиши;
- операторларга техник кўмак берувчи доимий кўллаб-қувватлаш хизматининг тўлақонли фаолият кўрсатиши.

Ходимларнинг лозим даражадаги билим ва малакага эга бўлишига эришни мақсадда, тизим операторлари, администраторлари ҳамда кўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари учун буюртмачининг мутахассислари томонидан платформадан фойдаланиш кондалари бўйича олдиндан ўқувлар ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилиши лозим.

Ўқувлар буюртмачи томонидан, платформани ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган ҳолда ташкил этилиши ва ўқувни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

5.7. Вазифаси кўрсаткичлари

“Шаффоф йўл” платформасига 1000 тагача оператор бир вақтнинг ўзиде уланган пайтда ҳам, платформанинг ишлаш тезлиги қуйидаги кўрсаткичлардан камайиб кетмаслиги лозим:

- веб-интерфейс орқали маълумотни саклаш тезлиги – кўни билан 5 сония;
- йиғма таҳлилларни аке эттириш – кўни билан 5 сония;
- батафсил маълумотларни аке эттириш – кўни билан 10 сония.

Маълумотлар ёки ҳисоботларни шакллантиришга сарфланадиган вақт уларнинг мураккаблиги уларнинг миқдорига мос бўлиб, 5 дақиқадан ортмаслиги лозим.

Маълумотларнинг ҳажми кўпайиши билан боғлиқ бўлган секинлашишни баргараф этиш учун, сервер қурilmалари ва алоқа тармоқларининг тезликларини орттириш старли бўлиши ва бунда дастурий таъминотга ўзгаришлар киритиш талаб этилмаслиги лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг ташки кўриниши ва ҳисобот шакллариға киритиладиган кичик ўзгаришлар платформа ишини вақтинча тўхтатиб қўйилишини талаб этмаслиги, дастурий таъминот ишлаб турган вақтнинг ўзиде такомиллаштириш ва эҳтиёжларға мослаштириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

“Шаффоф йўл” платформаси ҳар соатда 50 000 та мурожаатни юқорида кўрсатилган тезликда қайта ишлай олиши ва профилактик ишлар учун платформани тўхтатиб туришлар давомийлиги ҳар ойда 4 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

5.7.1. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган “Шаффоф йўл” платформаси:

- буюртмачига камида 3 йил давомида хизмат қилиш имкониятига эга бўлиши ҳамда хизмат қилиш муддати давомида ўзининг тезлик ва барқарорлик кўрсаткичларини йўқотмаслиги;

- дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши билан боғлиқ ҳолатларда маълумотларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги;

- платформадан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолларда, тўхтовсиз, барқарор ишлаши;

- дастурий таъминотдаги хатолик сабабли платформанинг иши тўхтаб қолган ҳолатларда, мазкур техник топшириқда белгиланган ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган муддатларда платформанинг ишини тўлиқ қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим. (Тизим администратори томонидан мустақил бажариш имконияти бўлиши лозим)

“Шаффоф йўл” платформасининг ишончли ва узлуксиз ишлашига қўйиладиган ташкилий ва техник амаллар комплекси ёрдамида эришилади:

- дастурий таъминотдаги бузилишлар. Дастурий таъминот ишдан чиққан ҳолатда, маълумотлар банки ва дастурий таъминотнинг энг охири олинган резерв нусхаси серверда қайта тикланади. Бундай ҳолатда дастурий таъминот фаолиятини қайта тиклаш ишлари уч соатдан ортмаслиги лозим (техник воситалар, операцион тизим ва бошқа ёрдамчи дастурларнинг иши қайта тикланиши учун сарфланадиган вақт бунга қўшилмайди);

- техник воситаларнинг ишдан чиқиши. Техник воситалар ва алоқа каналларининг барқарор ишлаши, зарур ҳолларда зудлик билан таъмирланиши, резерв алоқа каналларини ташкил қилиш ва маълумотлардан резерв нусха олиб туриш буюртмачининг мутахассислари томонидан таъминланади. Техник воситалар ёки алоқа каналларида носозлик юзага келганида, дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкни ишдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим;

- электр энергияси таъминотидаги узилиш ёки импульсли носозликларда ҳам дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкни ишдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим. Электр энергияси таъминотида 15 дақиқача бўладиган узилишлар компьютерлар ва серверларнинг ўчишига ҳамда платформанинг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги чоралари буюртмачи томонидан кўрилган бўлиши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг барқарор ишлашига эришиш мақсадида буюртмачи томонидан қўшимча серверлар ва қўшимча алоқа каналлари ташкил этилиб, дастурий маҳсулот ва маълумотлар банкларининг резерв нусхалари ушбу серверларга автоматик тарзда кўчириб борилиши йўлга қўйилиши лозим.

Маълумотлар банки ва дастурий маҳсулотдан резерв нусха олиш ва зарур ҳолларда резерв нусхадан уларни қайта тиклаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан, платформанинг фойдаланишга топшириш жараёнида, буюртмачининг администраторларига ўргатилиши ва кейинчалик бу амаллар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда бажарилиши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг ишлаши учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар, платформанинг энг юкори юклама билан ишлаш ҳолатлари учун ҳам етарли бўлиши билан бир каторда, платформа фойдаланувчилари ҳамда бажаралиган вазибаларининг ортиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда камида 20 фоизлик фойдаланилмаган резервларга ҳам эга бўлиши лозим.

Серверларда фойдаланиладиган операцион тизим, маълумотлар банкни бошқариш тизими ва бошқа ёрдамчи дастурий воситалар турли носозликларга бардошли ва авария ҳолатларида тез қайта тиклаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар барқарор электр токи билан таъминловчи қурилма (UPS), қўшимча таъминот блоки (дублирующий блок питания), юкори малакали техник кўлаб-қувватлаш хизмати ва зарур бутловчи қисмлар захирасига эга бўлиши лозим.

Техник ва дастурий воситаларда юзага келган носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар буюртмачининг администраторлари томонидан батафсил кайд этиб борилиши ва бундай носозликларни камайтириш чоралари ўз вақтида кўрилиши лозим.

5.7.2. Техник воситалар ва дастурий таъминотнинг ишончлилигига кўйиладиган талаблар

Электр тармоғига уланган барча техник воситалар тасодифий ташки таъсирлардан лозим даражада химояланган бўлиши ҳамда ГОСТ 12.1.030-81 стандарти талабларига асосан электр носозликларидан химояланган бўлиши лозим.

Электр таъминоти тизими юкламанинг меъёридан ортиб кетиш ёки қисқа туташув ҳолатларида автоматик ўчиш, шунингдек авария ҳолатларида кўлда ўчириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг техник воситаларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг амалдаги қоидаларига амал қилиниши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар серияли ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар жойлаштириладиган бинолар, уларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, шунингдек қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига жавоб бериши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

Маълумотларни фақат кўриш ҳуқуқига эга бўлган оддий фойдаланувчилар учун техника хавфсизлиги бўйича қўшимча ўқувлар ўтказиш ёки махсус тайёргарликка эга бўлиш талаб этмаслиги ва улар томонидан платформадан фойдаланишда йўлга кўйилиши мумкин бўлган хатоликлар платформа ишининг тўхтаб қолиши, маълумотларнинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига сабаб бўлмаслиги лозим.

“Шаффоф йўл” платформасини турли хил ҳужумлардан, хусусан танлаб кўриш “brute force” ҳужумидан химоялаш мақсадида қуйидаги талабни келтириш мақсадга мувофиқ:

- платформага мувафаккянатсиз киришга уринишлар сони чекланган бўлиши лозим.
- фойдаланувчиларнинг платформа маълумотлари ва функционал имкониятларига бўлган ҳуқуқлари турли даражада чегаралиниши кўзда тутилган бўлиши;
- ахборотларнинг бутунлиги ва тўлиқлиги таъминланиши;

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

- платформага рухсатсиз кириш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши;
- платформа фойдаланувчиларининг аниқ идентификацияланиши;
- платформада фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини лозим даражада ёзиб бориш, зарурат бўлганда уларни назорат қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаб қўйиш имкониятлари яратилган бўлиши;
- платформага мувафаккиятсиз киришга уринишлар сони чекланган бўлиши лозим;
- платформада маълумотларни ўчириш, ўзгартириш ва бошқа алоҳида амалларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

5.7.3. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформасининг фойдаланувчи билан мулоқоти визуал график интерфейс шаклида ташкил этилиб, ушбу интерфейс қулай ва тушунарли бўлиши, меъёридан ортқ даражадаги график элементлар ва турли ранглар билан юкланган бўлмаслиги ҳамда фойдаланувчининг талабларига тезлик билан жавоб қайтариши лозим. Платформанинг навигация элементлари ҳам фойдаланувчи учун қулай, тушунарли кўринишга эга бўлиши ва оптимал жойда жойлаштирилиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформаси интерфейсини лойихалаштиришда:

- ҳар бир модул бўйича экранда акс эттириладиган барча шакллар бир хил дизайнга эга бўлиши ва бошқарув элементлари бир хил жойда жойлаштирилиши;
- кўриниши ўхшаш бўлган бошқарув элементларининг ишлаш тартиби ҳам бир хил бўлиши (сичқонча олиб келинганда, босилганда, клавиатура тугмалари босилганда барча ўхшаш элементлар бир хил тартибда ишлаши);
- клавиатурадан асосан маълумотларни киритиш ва ўзгартиришда фойдаланиши, бошқа ҳолатларда сичқончадан фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши;
- интерфейс 1024x768 пиксел ва ундан катта ўлчамдаги экранларда бенуксон, ноқулайликларсиз ишлаши кўзда тутилган бўлиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг веб-интерфейси қуйидаги асосий компонентлардан ташкил топиши лозим (4.1.7-расм):

- Платформа сарлавҳаси ва бош менюси, 1;
- юқори бошқарув ва ахборот элементлари, 2;
- маълумотларни акс эттириш учун асосий жой, 3;
- қуйи бошқарув ва ахборот элементлари, 4.

“Шаффоф йўл” платформасининг ҳар бир модулини лойихалаштиришда асосан 2-3 хил ранглар композициясидан фойдаланилиши ва интерфейнинг барча ойналари шу ранг ва шаклларга мос бўлиши лозим.

Маълумотларни киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим. Платформанинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизим бу ҳақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасининг маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Иш ўринларида фойдаланиладиган стационар ва мобиль компьютер техникалари фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши лозим.

Ишчи ходимларнинг ишлаш шароитлари ва фойдаланиладиган компьютер техникасининг кўрсаткичлари амалдаги санитария меъёрларига мос бўлиши лозим.

5.7.4. Платформа компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

Эксплуатация шартлари, шунингдек техник воситаларнинг турлари ва уларга кўрсатиладиган техник хизматнинг даврийлиги ишлаб чиқарувчининг ҳужжатларида белгиланган фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлаш талабларига жавоб бериши керак.

“Шаффоф йўл” платформасининг аппарат компонентларини техник ва жисмонан химоялаш, узлуксиз электр таъминотини таъминлаб бериш, жорий техник хизмат кўрсатиш- Буюртмачининг техник ва ташкилий воситалари ёрдамида амалга оширилади.

“Шаффоф йўл” платформаси техник воситаларининг эксплуатацияси ва улар жойлашган хоналарнинг хавфсизлиги RH 45-201:2011 “Ҳисоблаш техникаси воситаларини ўрнатиш учун биналар ва иншоотларга қўйиладиган техник талаблар” ҳамда O‘zDSt 2875:2014 “Маълумотлар марказларига қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлиги” ҳужжатларининг талабларига риоя этилган ҳолда таъминланиши керак.

Амалдаги техник воситаларни даврий таъмирлаш ишлари, ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатлари талабларига мувофиқ, лекин йилига камида бир марта амалга оширилиши керак.

Техник воситаларга даврий техник хизмат кўрсатиш ва синовдан ўтказиш ишчи станциялар, серверлар, кабель ва тармоқ ускуналари, узлуксиз қувват манбаларини (UPS) ўз ичига олган барча жиҳозларга техник хизмат кўрсатишни ва синовдан ўтказилишини таъминлаб бериши керак.

Даврий техник кўрсатиш жараёнида техник воситаларнинг ташқи ва ички томонларини кўздан кечириш ва тозалаш, алоқа боғланмаларини текшириш, уларнинг ишчанлик параметраларини сошлаш ишларини олиб бориш керак.

Ускуна ва техник воситаларни жойлаштириш техника хавфсизлиги, санитария меъёрлари ва ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

“Шаффоф йўл” платформаси фойдаланувчилари электрон-ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш қоидаларига риоя этишларига мажбурдирлар.

5.7.5. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформаси доирасида фойдаланиладиган операцион тизимлар, маълумотлар банкини бошқариш тизими ва лицензия софлиги ишлаб чиқувчи томонидан таъминланиши лозим.

5.7.6. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформасининг функционал модулларини ишлаб чиқиш жараёнида бир-бирига ўхшаш бўлган барча вазифаларнинг техник, инфорацион, лингвистик, математик ва ташкилий ечимлари бир хил бўлишига эришилиши лозим.

Ўхшаш вазифаларнинг ечимлари бир хил бўлиши учун:

- фойдаланувчи интерфейсининг ягона услубга эгаллиги ва амалларнинг дастурий-техник ечимлари бир хиллаштирилиши;
- ягона услуб ва андозага эга бўлган дастурлаш воситаларидан фойдаланиш;
- Платформани ишлаб чиқишда, нисбатан кенг тарқалган дастурлаш тиллари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш;
- халқаро мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва серияли ишлаб чиқариладиган техник воситалардан фойдаланиш;
- дастурий маҳсулотнинг ишлаши учун қўшимча равишда жалб этиладиган дастурлар ва компонентлардан фойдаланишни имкон даражасида камайтириш.

5.7.7. Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тизимнинг барча таркибий қисмлари ва ишлаш босқичларида зарурий ҳимоя чоралари қўрилиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг қўйидаги устивор жиҳатлари ҳисобга олинлиши лозим:

- платформадан легал равишда фойдаланувчилар учун реал вақт режимида керакли ахборотларни олиш имкониятининг мавжуд бўлиши;
- ахборотларнинг яхлитлиги, ишончилиги, актуаллиги, зарарли таъсирлардан ҳимояланганлиги ва ноқонуний йўл билан кириб, ўзгартириб қўйишдан ҳимояланганлиги;
- ахборотларнинг ноқонуний йўл билан кириб, кўчириб олувчилар таъсиридан ҳимояланганлиги.

“**Шаффоф йўл**” платформасига кириш логин ва парол ёрдамида, зарур ҳолларда электрон калит ёки электрон рақамли имзо билан ҳимояланиб, буюртмачининг администратори платформага уланувчи ҳар бир фойдаланувчига берилган ҳуқуқларни исталган вақтда ўзгартириш имкониятига эга бўлиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформасига давлат органларининг махфий ахборотлари киритилмайди ва уларни криптографик ҳимоя воситалари ёрдамида шифрлаб сақлаш талаб этилмайди.

“**Шаффоф йўл**” платформаси серверлари ва тармоқ қурилмалари жойлаштирилган бинонинг ноқонуний таъсирлардан ҳимояланиши, тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва буюртмачи томонидан амалга оширилади.

5.7.8. Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформаси маълумотлар банки ва дастурий таъминотини автоматик тарзда ёки кўлда резерв нусхалаб туриш имкониятлари мавжуд бўлиши ва бу амалларни бажариш тартиби платформани фойдаланишга тошпириш жараёнида буюртмачининг администраторларига ўргатилган бўлиши лозим.

“**Шаффоф йўл**” платформаси ишлашида авария ҳолатлари юзага келганида, резерв нусхаларда сақланган маълумотлар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда қайта тикланиши ёки бу масалада платформанинг ишлаб чиқарувчиси ёрдамидан фойдаланилиши мумкин.

“**Шаффоф йўл**” платформаси ўрнатилган серверлар электр тармоғидаги носозликлардан тўлиқ ҳимояловчи ва электр таъминотидаги узилишлардан камида 15 дақиқа давомида муқобил электр таъминоти ёрдамида сақлаб турувчи қурilmалар билан таъминланган бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолатлар учун ахборотларнинг сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга:

- электр таъминотидаги носозликлар, узилишлар ёки бошқа ташқи таъсир натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиш ҳолатларида;

- техник воситаларда носозлик ёки ишдан чиқиш ҳолатлари юзага келиши натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиш ҳолатларида;

- администраторнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари натижасида тизимнинг ишдан чиқиши, дастурий таъминот ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши ҳолатларида.

“**Шаффоф йўл**” платформаси оддий фойдаланувчилари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракатлар, платформанинг ишдан чиқишига ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши сабабчи бўлиши мумкин эмас.

5.7.9. Ташқи таъсирдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформаси нинг буюртмачининг ҳимояланган корпоратив компьютер тармоғи орқали провайдерларнинг VPN, интернет тармоқлари орқали фойдаланилиши лозим. Буюртмачининг хоҳишига кўра, ахборотлар ҳафсизлигини таъминлаш ҳамда назорат қилишнинг кучайтирилган тартибини жорий қилган ҳолда, тизимдан ТАС-IX тармоғи орқали фойдаланилиши ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Платформа серверларининг халқаро Интернет тармоғига уланишига йўл қўйилмайди.

“**Шаффоф йўл**” платформаси нинг серверлари ва алоқа воситалари жойлаштирилган хонадаги шарт-шароитлар ушбу техник воситаларнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан эксплуатация қилиш учун қўйилган иқлим, муҳит, техник ва бошқа талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

5.7.10. Қўшимча талаблар

“**Шаффоф йўл**” платформасининг ишлаб чиқиш, фойдаланишга тошпириш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча талаблар буюртмачи ҳамда ишлаб чиқарувчи ўртасида тузиладиган шартномада ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилиши мумкин.

5.8. Платформа томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган талаблар

5.8.1 «Тизим администратори панели». Ушбу қуйи тизим кўмитанинг “**Шаффоф йўл**” платформасига руҳсатсиз киришдан дастурий восита билан ҳимоя қилиниши, турли тоифадаги фойдаланувчилар учун маълум функцияларга кириш ҳуқуқларини бошқариш, фойдаланувчиларнинг ҳаракатлари ва ваколатларини мониторинг қилишини таъминлайди.

Тизим администратори панелнинг функцияларига **“Шаффоф йўл”** платформаси фойдаланувчиларини юритиш, уларга платформа ва **“Авария холатларини модули”** тизимга кириш ҳуқуқларини ўзгартириш, платформадаги созлама ишларини амалга ошириш, платформа ишини назорат қилиш, фойдаланувчиларнинг ҳаракатларини кузатиш ва таҳлил қилиш киради.

“Тизим администратори панели” қуйидаги асосий функцияларни бажариши керак:

- Ролларни юритиш (уларни яратиш, фойдаланувчи ҳуқуқларини бериш);
- Платформа фойдаланувчилари ва **“Авария холатларини модули”** тизими ҳаракатлари журналини (протоколини) юритиш;
- Платформага кириш ҳуқуқларини бошқариш;
- Маълумотнома (справочник) ва каталогларни шакллантириш;
- Фойдаланувчилар ҳаракатлари мониторинги ва х.к;
- Қўмитанинг расмий веб сайтини мувофиқлаштириш.

5.8.2. Ахборот хавфсизлиги администраторининг асосий функциялари

- АХ тизими қуйидагилар билан таъминлаш керак:

Ягона идентификация тизимдан олинган ноёб фойдаланувчи идентификаторларидан фойдаланиш ва фойдаланувчи идентификаторларини қайта ишлаш:

- Гуруҳ мақсадлари учун кириш субъектларининг ролларини яратиш, ўзгартириш ва ўчириш ва кириш ҳуқуқларини бекор қилиш;
- Кириш матрицаси ва роль сиёсатларига мувофиқ тизим маълумотлари ва функционал имкониятларига субъектларнинг (дастурий воситалар ва фойдаланувчиларнинг) киришини назорат қилиш;
- Тизимда журналлар ёзуви ва мониторинг қилинадиган ахборот хавфсизлиги ходисаларини рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва созлаш;
- Тизимга кириш субъектларининг кириш (чиқиш) ва фойдаланувчилар томонидан тизимда амалга ошириладиган ҳаракатларни рўйхатга олиш;
- Ҳимояланган файлларга дастурий воситалар (дастурлар, жараёнлар, вазифалар, вазифалар) га киришга уринишларни рўйхатга олиш;
- Ҳимояланган файлларни қайта ишлаш учун мўлжалланган дастурлар ва жараёнларни (вазифалар, вазифалар) ишга туширишларни рўйхатга олиш;
- Босма (график) ҳужжатларни "каттик" нусхага беришни рўйхатга олиш;
- Тизимда юкланган, қайта ишланган ва сакланган маълумотларнинг яхлитлигини назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартига мувофиқ махфий ахборотни криптографик муҳофаза қилиш O‘zDSt 1092:2009 (“Ахборот технологиялари. Ахборотни криптографик ҳимоя қилиш. Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари”);
- Ички ва ташқи тармоқ уланишларини бошқариш.

5.8.3. Платформа фойдаланувчилари авторизацияси

Логин ва пароль орқали авторизация қилиш. қўмитанинг **“Шаффоф йўл”** платформаси ҳамда **“Авария холатлари модули”** тизимга кириш логин ва пароль ёрдамида амалга



оширилади. Пароль киритилганда у экранда аке этмаслиги керак. Логин ва парол тизим маъмури томонидан фойдаланувчиларга тақдим этилади. Платформа ва **“Авария холатлари модули”** тизимида авторизация килинганидан сўнг, фойдаланувчилар кириш хукукларига караб **“Шаффоф йўл”** платформаси ва **“Авария холатлари модули”** тизим маълумотни киритиш, кўриш, тахрирлаш ва олиш имкониятига эга бўлади.

5.8.4. “Фойдаланувчилар кабинети” – **“Шаффоф йўл”** платформасида иштирок этувчи фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш учун мўлжалланган (ташкilotларнинг тўлик ёки қисқача номланишида Электрон хукуматнинг маълумотномалари, классификаторлари ва ягона идентификаторларидан фойдаланиш талаб этилади ва қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

маълумотнома (справочник) бошлангич маълумотлар билан тўлдирилади (тизимни эксплуатацияга тушириш пайтидаги актуал маълумотлар);

маълумотнома (справочник)ни тахрирлаш (ногўри киритилган маълумотларни тахрирлаш, тўғрилаш);

маълумотнома (справочник)ни актуаллаштириш (қонунчилик ва норматив хужжатлари ўзгарган тақдирда, справочникдаги маълумотлар ўзгартирилади ва тўлдирилади).

5.9. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар

5.9.1. Математик таъминотига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасининг математик таъминоти учун алоҳида талаблар қўйилмайди. Платформани ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланилади. Меъёрий хужжатлар билан тартибга солилмаган ҳолатларда мааниқан оптимал бўлган математик услублар, моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилиши лозим.

5.9.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар

Ахборот таъминоти, фойдаланувчилар учун берилган вазифаларни аниқ ва ишончли хал қилишга мўлжаллангандир.

Компонентлар ўртасидаги ахборот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиш керак.

Буюртмачи корхонасида амал қиладиган республика таснифлагичлари ва бир хиллаштирилган хужжатлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Кириш маълумотлари матн кўринишида (сўз, рақам, тақвим) ҳамда таснифлагич (каталог) орқали амалга оширилиши, чиқиш маълумотлари эса экран шаклидаги жадвалларда аке этиши керак.

«Шаффоф йўл» платформасида PostgreSQL маълумотлар базаларини бошқариш тизимидан фойдаланиш кўзда тутилади. PostgreSQL – SQL тилига асосланган бўлиб, SQL:2011 стандартининг қўллаб имкониятларини қўллаб-қувватлайди.

Маълумотлар таркиби, маълумотлар базаларини бошқариш тизими остида тузиладиган яхлитлик воситалари ёрдамида тузилиши керак.

Платформада маълумотларни/хисоботларни юклаб олиш имконияти кўзда тутилмаган.

Маълумотларни назорат қилиш, сақлаш, янгилаш ва тиклаш бўйича ишларни ташкиллаштириш тизим маъмури томонидан амалга оширилиши керак бўлади.

6.1. Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар

Қўлланиладиган юкори даражадаги дастурлаш тиллари **"Шаффоф йўл"** платформасидаги функцияларни тўлақонли ишлашидаги ҳамма вазифаларни бажаришини таъминлаб бериши керак.

Фойдаланувчи билан ўзаро алокани ташкил қилиш учун электрон тизимда ўзбек кирил, ўзбек лотин, рус, инглиз тили фойдаланилади.

Маълумотларни каталог даражасида кодлаш умумқабул қилинган кискартмалар асосида амлага оширилади.

Маълумотлари нотўғри киритилган майдончалар ҳақидаги хабарлар фойдаланувчига ноқулайлик туғдирмаслиги керак.

6.2. Дастурий таъминотга қўйилган талаблар

"Шаффоф йўл" платформаси асосий дастурий таъминоти модуллилик, очик архитектура ва функционал жиҳатдан кенгайтирилиши, шунингдек бошқа таъминотлар билан бирга маълумотларни сақлаш, тизим ҳал қилиши керак бўлган ҳамма функцияларни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши керак.

Платформанинг дастурий таъминоти қўйидагиларни таъминлаб бериши керак:

1) Интернетнинг асосий транспорт протоколи (TCP/IP);

2) истикболда платформани ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро алоқа қилиши учун бошқа очик протоколлар ва маълумотларни кириш ва чиқиш стандартлаштирилган турлари.

Тизимнинг дастурий таъминоти қўйидаги талабаларга жавоб бериши лозим:

1) платформага руҳсатсиз киришни олдини олиш;

2) қулай интерфейси ишлаб чиқилиши;

3) платформа функцияларини амалга ошириш учун ишлатиладиган бошқа дастурлар билан тизимли мувофиқлик.

6.3. Платформага киритиладиган маълумотларнинг таркиби, тузилмаси ва шакллантириш услубларига қўйиладиган талаблар

"Шаффоф йўл" платформасига киритиладиган маълумотлар замонавий реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизимида сақланиши ва бошқарилиши лозим. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизимининг ички механизмларидан фойдаланилиши лозим. Маълумотлар базаси нормализация қоидалари бўйича шакллантирилиши лозим.

6.3.1.1. Платформа компонентлари ўртасидаги ахборот алмашинувида қўйиладиган талаблар

"Шаффоф йўл" платформаси модуллари ва таркибий қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви умумфойдаланиладиган маълумотлар базаси орқали амалга оширилиши лозим.

Платформа «мижоз/сервер» технологияси асосида ташкил этилиб, бунда:

- мижоз (фойдаланувчи) дастури Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera ҳамда Safari вэб-браузер орқали ишлайдиган вэб-илова шаклида бўлиши;



- платформанинг барча асосий амалларини бажарувчи дастурий маҳсулот дастурлар серверида жойлаштирилиши;

- платформа маълумотлар базаси маълумотлар базаси серверида жойлаштирилиши лозим.

Буюртмачининг имкониятларига кўра, дастурлар сервери ва маълумотлар базаси сервери сифатида битта ягона сервердан фойдаланилиши ҳам мумкин.

платформа серверини масофадан бошқариш, стандарт тармоқ технологиялари асосида, химояланган ахборот узатиш тармоқлари орқали амалга оширилиши лозим.

6.3.1.2. Бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлигига қўйиладиган талаблар

Бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлиги таъминлаш учун, платформада маълумот алмашишнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилиши лозим:

- маълумотларни экспорт ва импорт қилиш имконияти;
- маълумотлар базасига масофадан уланиш;
- платформага веб-сервис технологияси орқали боғланиш.

“Шаффоф йўл” платформасининг бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлиги таъминлашда O‘zDSt 2590:2012 давлат стандарти талабларига риоя этилиши лозим.

6.3.1.3. Маълумотлар базасини бошқариш тизимига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасига юклатилган барча вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришиш учун, маълумотлар базасини бошқариш тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- маълумотларни реляцион тартибда сақлаш ва SQL тилидаги сўровлар асосида ишлай олиши;
- “мижоз-сервер-маълумотлар базаси” архитектурасига мос келиши;
- турли операцион тизимлар ва техник воситаларда ишлайдиган версияларга эга бўлиши;
- интероперабеллик (бошқа архитектурадаги тизимлар билан ҳамкорликда ишлай олиши).
- кўп оқимлилиқ (многopotочность);
- ишончлилиқни таъминлаш воситаларига эга бўлиш: транзакциялар журналини юритиш, тизим ишини тўхтатмай туриб, маълумотлардан резерв нусха олиш ва қайта тиклаш имконияти;
- маълумотлар бутунлигини таъминлаш воситаларига эга бўлиш;
- сўровларни оптималлаштириш воситаларига эга бўлиш;
- хафвсизлиқни таъминлашнинг ички механизмларига эга бўлиш.

Фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизими O‘zDSt 1135:2007 давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим.

6.3.1.4. Фойдаланиладиган дастурлаш тилига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасини ишлаб чиқишда бутунги кунда мижоз-сервер технологиясидаги

веб-иловалар ишлаб чиқишда энг кенг фойдаланиладиган дастурлаш тилларидан — ReactJS, PHP Laravel 7.47.4, GoLang

6.3.1.5. Маълумотларни бошқариш тилига қўйиладиган талаблар

Маълумотларни бошқариш тили сифатида SQL сўровлар тилидан фойдаланилиши лозим.

6.3.1.6. Маълумотларни тўплаш форматларига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасининг маълумотлар базасига киритиш учун тўпланадиган бошланғич маълумотлар Microsoft Word ва Microsoft Excel дастурлари форматида бўлиши лозим.

6.3.1.7. Платформа интерфейсининг тилларига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасининг интерфейси асосан ўзбек тилининг кирилл алифбосида, ўзбек тилининг лотин алифбосида ва рус тили ва бошқа тилларда яратилган бўлиши лозим.

6.3.1.8. Фойдаланувчи билан мулоқотни ташкил қилиш услубига қўйиладиган талаблар

Фойдаланувчи томонидан тасолифан хато амаллар бажарилишининг эҳтимоллигини камайтириш ҳамда киритилаётган маълумотларнинг мантқан тўғрилигини назорат қилиш кўзда тутилган бўлиши лозим.

6.4. Техник таъминотига қўйиладиган талаблар

Техник воситалар, техник ва эксплуатацион хужжатларда келтирилган талабларга мувофиқ жойлаштирилиши, ҳамда дастурий таъминот мажмуасини ишлатиш ва унга техник хизмат кўрсатиш қулай бўлиши талаб этилади.

“Шаффоф йўл” платформасининг хар қандай техник воситаси бошқа аналог функцияларга эга бўлган техник воситалари билан алмаштирилиши, платформани конструктив ўзгаришсиз ёки бошқа воситаларни мослаштирилишсиз амалга оширилиши керак (техник хужжатларда махсус белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

“Шаффоф йўл” платформасининг техник воситаларидан, фақат эксплуатация хужжатларида кўрсатилган шартларда фойдаланишга рухсат берилади. Техник воситаларининг параметрларидан юкори бўлган муҳитда улардан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатларда, айрим техник воситаларни ташқи таъсир этувчи омиллар таъсиридан химоя қилиш чораларини кўриш зарур бўлади.

“Шаффоф йўл” платформасида тегишли меъёрий-техник хужжатлар талабларига жавоб берадиган техник воситалардан фойдаланиш талаб этилади (O`zDSt ва б.):

ташқи таъсир этувчи омилларга бардошлилиги бўйича;

қувватланиш параметрлари бўйича ва ҳ.к.

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

6.4.1. жадвал. Техник таъминотга қўйиладиган минимал талаблар

Қурилма	Асосий хусусиятлари бўйича минимал талаблар
Сервер	<p>Микропроцессорлар – ядролар сони 6 тадан, ҳар бир ядронинг частотаси 3.0 GHz дан паст бўлмаган, камида 2 та микропроцессор:</p> <p>Тезкор хотира – камида 128 GB (256 GB гача кенгайтириш имкони билан);</p> <p>Доимий хотира – камида 128 GB ли 2 та SSD, камида 600 GB ли, 4 та SAS диск;</p> <p>Камида 2 та 10 Gb/s ли Ethernet порт;</p> <p>Камида 2 та бўш USB 2.0 ва қуйидаги имкониятларга эга бўлган операцион тизим:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сервернинг ҳолатини тўлиқ мониторинг қилиш; - ходисалар журналани юритиш; - масофадан бошқариш имконияти. <p>Ишдан чиққан қисмларни рангли индикаторлар ёрдамида кўрсатиб туриш тизими (рангли индикация сервернинг электр тармоғидан узилган пайтида ҳам кўриниб туриши лозим).</p> <p>Операцион тизимни ташқи қаттиқ дискдан юклаш имконияти.</p> <p>Электр таъминотига уланиш учун камида 2 та мустақил, бир-бирини резервловчи ва ишдан чиққанида оғохлантириш сигнали берувчи таъминот блоклари (блок питания), 100 Мбит/с дан кам бўлмаган алоқа канали.</p>
Администраторларнинг ишчи станциялари	<p>Частотаси 2.8 GHz дан, ядролар сони 4 тадан кам бўлмаган, замонавий микропроцессор: 8 Gb дан кам бўлмаган тезкор хотира: 1 Tb дан кам бўлмаган SATA диск: 1 Gb/s дан кам бўлмаган Ethernet порт; камида 2 та бўш USB 2.0 порт; 22" дан кичик бўлмаган монитор, клавиатура, сичқонча, UPS, серверларга уланиш тезлиги 1 мбит/с дан кам бўлмаган алоқа канали.</p>
Фойдаланувчиларнинг ишчи станциялари	<p>Частотаси 2.5 GHz дан, ядролар сони 4 тадан кам бўлмаган, замонавий микропроцессор: 4 Gb дан кам бўлмаган тезкор хотира: 500 Gb дан кам бўлмаган SATA диск: 1 Gb/s дан кам бўлмаган Ethernet порт; камида 2 та бўш USB 2.0 порт; 19" дан кичик бўлмаган монитор, клавиатура, сичқонча, UPS, серверларга уланиш тезлиги 512 кбит/с дан кам бўлмаган алоқа канали.</p>
Узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш қурилмаси	<p>Ушбу қурилма телекоммуникация шкафида жойлаштириладиган серверлар ва алоқа воситаларини электр таъминотида бўладиган носозликлардан ишончли ҳимоя қилиши ва электр таъминоти бутунлай узилиб қолган тақдирда барча қурилмаларни камида 30 дақиқа давомида муқобил электр энергияси билан тўлиқ таъминлай олиши ҳамда бундай ҳолат юзага келганда администраторга автоматик тарзда электрон почта ёки SMS хабар шаклидаги хабарни зудлик билан автоматик тарзда юбора оладиган бўлиши лозим.</p> <p>Узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш қурилмасини танлашда, унга уланадиган барча қурилмаларнинг максимал электр истеъмоли кўрсаткичларидан ташқари, 20 фонз захира ҳам ҳисобга олиниши лозим.</p> <p>Узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш қурилмаси стандарт телекоммуникация шкафида ўрнатишга мўлжалланган бўлиши, унинг батареяларини тизим ишини тўхтатмаган ҳолда ва қурилманинн ўзини шкафдан ечиб олмаган ҳолда, мустақил алмаштириш имконияти бўлиши лозим.</p>

Фойдаланиладиган узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш курилмаси ишини масофадан туриб веб-интерфейс ёки серверларда ўрнатиладиган махсус дастурий воситалар ёрдамида назорат қилиш ҳамда бошқариш имконияти бўлиши лозим.

6.4.2. Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасини жорий этиш ва унинг доимий барқарор ишлашига эришиш учун, буюртмачи томонидан платформадан фойдаланишнинг барча тартиб-қоидаларини камраб олган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва платформадан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларга етказилиши лозим.

Ходимлар томонидан нотўғри амаллар бажарилишининг олдини олиш учун:

- администраторлардан ташқари барча фойдаланувчилар учун платформадаги маълумотлар ва соҳилмаларни ўчириш ҳуқуқи берилмаслиги;
- платформадан фойдаланиш қоидалари бўйича тўлиқ ва тушунарли йўриқномалар ишлаб чиқилиб, дастлабки ҳамда доимий ўқувлар ўтказиб борилиши;
- платформанинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган барча техник ва ташкилий ишлар ўз вақтида амалга ошириб борилиши лозим.

6.4.3. Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар

Автоматлаштирилган функцияларни амалга оширишда, уларга бириктирилган ходимларнинг самарали ишлаши учун ташкилий таъминот етарли даражада бўлиши талаб этилади. Буюртмачи куйидаги масъул ходимларни тайинлаши керак:

- маълумотларни қайта ишлаши учун масъул ходим;
- платформа маъмуриги масъул ходим;
- ахборот хавфсизлигига масъул ходим;
- платформага техник хизмат кўрсатишга масъул ходим.

Шахсий компьютерда ишлаш қобилиятига эга, эксплуатация қоидалари билан танишган ва платформада ишлаш ўқув курсларини ўтаган ходимлар “Шаффоф йўл” платформасида ишлашига руҳсат этилади.

Фойдаланувчилар томонидан платформани функционал жиҳатдан ўзгартириш лозимлиги билдирилган тақдирда, улар Буюртмачининг раҳбари ва платформа маъмурига мурожаат қилишлари керак.

6.4.4. Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформасининг ишлаш услублари мазкур техник топшириқда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланиб, тайёр дастурий маҳсулот шаклида буюртмачига тақдим этилади. Платформани фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида, томонларнинг келишувига асосан платформанинг услубий таъминотга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

7. Платформани яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни

“Шаффоф йўл” платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш O'zDSt 1986:2018 давлат стандартига асосан босқичма-босқич амалга ошириладиган ташкилий ва амалий ишлар комплексидан иборат.

“Шаффоф йўл” платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш давомида куйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

- техник воситаларни ўрнатиш ва фойдаланишга шай ҳолатга келтириш;
- платформанинг барча фойдаланувчилари ва серверлар ўртасида химояланган алоқа каналларини ташкил қилиш;
- мазкур техник топшириққа асосан “**Шаффоф йўл**” платформаси ишлаб чиқиш;
- платформани ишлашини текшириш ва кўшимча ишлов бериш;
- платформада фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун махсус ўқувлар ўтказиш;
- платформани синов тариқасида фойдаланишга топшириш;
- платформанинг ишлашини синовдан ўтказиш ва кўшимча ишлов бериш;
- платформани фойдаланишга топшириш.

5.1-жадвал. “**Шаффоф йўл**” платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларининг таркиби ва мазмуни:

№	Ишларнинг номи ва мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи (ташк.лот. корхона)	Босқич нима б-н тугайди
		Бош	яқун		
1	Дастлабки лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиш (эскиз лойиҳасини амалга ошириш): <ul style="list-style-type: none"> - «Шаффоф йўл» платформаси функциялари; - платформа модулларнинг функциялари, уларнинг мақсадлари ва кутиладиган натижалар; - вазифалар таркибини шакллантириш; - маълумотлар базасининг концепцияси ва тузилмаси; - маълумотлар базасини бошқариш платформанинг функциялари; - ҳисоблаш тизимининг таркиби; - дастурий воситаларнинг функциялари ва параметрлари. 	01.05.2022	20.05.2022	Ишлаб чиқувчи	«Шаффоф йўл» платформаси эскиз лойиҳаси
2	Техник лойиҳани амалга ошириш: <ul style="list-style-type: none"> - платформа ва унинг қисмлари бўйича лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиш; - Платформани ишлаб чиқиш бўйича ишчи ҳужжатларни тайёрлаш; - Платформани ишлаб чиқиш. 	21.05.2022	20.05.2022	Ишлаб чиқувчи	«Шаффоф йўл» платформа техник лойиҳаси
3	Платформа Ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш: <ul style="list-style-type: none"> - дастурий ва эксплуатация қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш; - платформани дастлабки синовларини ўтказиш - ўтказилган синов натижасига кўра аниқланган камчилик ва носозликларни бартараф этиш ва синовлар баённомасига мувофиқ Платформа ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш. 	21.06.2022	10.07.2022	Ишлаб чиқувчи	Дастурий ва эксплуатация қилиш ҳужжатлари(барча роллар фойдаланувчиларга алоҳида йўриқнома) Дастлабки синовлар баённомаси
4	Платформани фойдаланишга топшириш: <ul style="list-style-type: none"> Платформани топшириш учун тайёрлаш; 	11.07.2022	01.08.2022	Ишлаб чиқувчи. Буюрмачи	Платформани фойдаланишга қабул қилиш

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

№	Ишларнинг номи ва мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи (ташкилот, корхона)	Босқич нима б-н тугайди
		Бош	яқун		
	Ходимларни ўқитиш; Техник ва дастурий воситаларни ишга тайёрлаш; Платформани ишга тушириш; Синов тарикасида ишлатиб кўриш; Қабул қилиш синовидан ўтказиш.				тўғрисида даволатнома
5	Платформага хизмат кўрсатиш; Хизмат кўрсатиш режасини тасдиқлаш; Кафолатли хизмат кўрсатиш ишлари; Кафолат муддатидан кейинги хизмат кўрсатиш ишлари.	Буюртмачи билан Ишлаб чиқувчи ўртасида тузилган шартнома асосида		Ишлаб чиқувчи. Буюртмачи	“Шаффоф йўл” платформасига хизмат кўрсатиш

8. Платформани назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби

8.1. “Шаффоф йўл” платформасини қабул қилиш тартиби

О‘зДСт 1986:2018 давлат стандартига асосан ахборот тизимини текшириш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари қуйидагилардан ташкил топади:

- а) платформани синов тарикасида фойдаланиш;
- б) қабул қилиш синовидан ўтказиш;
- с) фойдаланишга топшириш;
- д) платформани кўлаб-қуватлаш.

“Шаффоф йўл” платформаси фойдаланишга яроқлилиги ва мазкур техник топшириқда қўйилган талабларга жавоб бериши бўйича дастлабки текширишлардан ўтказилиши лозим. Дастлабки текшириш ишлари ижобий яқунланганда, платформадан синов тарикасида фойдаланишга бошланиши мумкин.

“Шаффоф йўл” платформасидан синов тарикасида фойдаланиш ишлари буюртмачининг махсус ўқувларда иштирок этган ходимлари томонидан ўтказилади. Синовдан ўтказиш ишлари 5 иш кунидан кам ва 15 иш кунидан кўп бўлмаслиги лозим. Заруратга кўра платформани синовдан ўтказиш ишларининг натижалари тўғрисида баённома тузилиши ва томонларга бир нусхадан тақдим этилиши мумкин.

“Шаффоф йўл” платформасидан синов тарикасида фойдаланиш ишлари ижобий яқунлангач, платформа қабул қилиш синовидан ўтказилади. Қабул қилиш синов натижалари бўйича платформа фойдаланишга топширилади ва ундан амалда фойдаланишга бошлаш имконияти яратилади.

Қабул қилиш синовидан қуйидагилар кўриб чиқилиши лозим:

- платформанинг барча модуллари;
- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги;
- ходимларнинг фойдаланиш ҳужжатлари билан танишганлик даражаси ва платформадан мустақил фойдаланишга тайёрлик даражаси.

“Шаффоф йўл” платформасини фойдаланиш учун қабул қилиш жараёнида платформанинг барча модуллари фойдаланишга яроқлилик ва мазкур техник топшириқда қўйилган ҳамда платформани ишлаб чиқиш давомидаги келишувларга асосан техник

топшириққа киритилган ўзгаришлар талабларига жавоб бериши бўйича буюртмачи томонидан синовдан ўтказилади.

Фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилигини текширишда:

- фойдаланиш ҳужжатларининг мазкур техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келиши;
- буюртмачининг ходимлари платформадан фойдаланиш ҳамда унга хизмат кўрсатишга тўлиқ тайёрлиги;
- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги буюртмачи томонидан текшириб, қабул қилинади.

Дастлабки текширишлардан ўтказиш, платформадан синов тарикасида фойдаланиш ва қабул қилиш синовидан ўтказиш ишларининг ҳар бири бўйича, тегишли баённома расмийлаштирилиши ва томонларга бир нусхадан тақдим этилади.

“**Шаффоф йўл**” платформасининг фойдаланишга топширилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги, шартномага асосан бажарилган ишлар тўғрисидаги даволатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

8.2. Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари

Дастлабки текшириш ва синов тарикасида фойдаланиш натижаларига кўра, “**Шаффоф йўл**” платформасини қабул қилиш синовларидан ўтказиш вақти, жойи ҳамда унда қатнашувчиларнинг таркиби буюртмачи томонидан белгиланиб, ишлаб чиқарувчи билан келишилиши лозим.

О‘zDSt 1987:2018 давлат стандарти талабларига кўра, “**Шаффоф йўл**” платформасини текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари буюртмачининг объектларида олиб борилиши лозим. Томонларнинг келишувига кўра, платформани текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари ишлаб чиқарувчининг ҳудуди ва техник воситаларида ўтказилиши ҳам мумкин.

Буюртмачининг техник воситалари “**Шаффоф йўл**” платформасини жорий қилиш учун тайёр бўлмаган ҳолатларда, платформа буюртмачи томонидан ташкил этиладиган синовдан ўтказиш стендида ёки ишлаб чиқарувчи томонидан вақтинча ажратиладиган техник воситаларда ўтказилиши мумкин. Синов стенди бир дона сервер, икки дона ишчи станция ва локал компьютер тармоғидан иборат бўлиши етарли ҳисобланади.

Фойдаланиладиган дастурий воситалар учун буюртмачида лицензиялар мавжуд бўлмаган ҳолларда, буюртмачи дастурий воситаларнинг лицензиясиз, вақтинчалик синов тарикасида ишлатиш мумкин бўлган версияларидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда, платформани фойдаланишга қабул қилиб олиш муддатларини белгилан вақтида дастурий воситаларнинг лицензиясиз фойдаланиш мумкин бўлган муддатлари буюртмачи томонидан ҳисобга олинishi лозим.

Платформани синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари юқоридаги талаблар асосида ўтказилганда, улар объектив ва етарли деб ҳисобланади.

8.3. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси

“**Шаффоф йўл**” платформасини фойдаланишга қабул қилиб олиш учун, заруратга кўра, буюртмачи махсус қабул қилиш комиссияси тузиши, унинг раҳбари ва аъзоларини тайинлаши ҳамда платформани ишлаб чиқарувчининг вакиллари иштирокида фойдаланишга қабул қилиб олиш мумкин.

платформада фойдаланувчи объектнинг раҳбари, қабул қилиш комиссиясининг раҳбари бўлиши ёки комиссия таркибига киритилишига йўл қўйилади.

“SHAFFOF YO‘L” ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

Қабул қилиш комиссияси тузилганда, унинг таркибида буюртмачи ва ишлаб чиқарувчининг камида биттадан вакиллари бўлиши шарт.

Қабул қилиш комиссиясининг статуси – идоравий.

Қабул қилиш комиссияси ўз фаолиятининг якунига кўра платформада фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузиб, уни тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этади. Платформани фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома қабул қилиш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган бўлиши лозим. Ушбу далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

9. Платформани ишга туширишга тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар

Объектни тайёрлаш ишлари “Шаффоф йўл” платформасини фойдаланишга топширишдан олдин ёки топшириш жараёнида амалга оширилади, платформани фойдаланишга топширишда қуйидагиларнинг бажарилиши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим:

- “Шаффоф йўл” платформасини жорий этиш ва синовдан ўтказиш учун масъул бўлинма ва мансабдор шахсларни тайинлаш;

- Ишлаб чиқарувчи томонидан ўтказиладиган ўқувларда платформадан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- Платформа жорий этиладиган ва ундан фойдаланиладиган бино ва иншоолардаги иш шароитларини мазкур техник топширикда белгиланган шартлар асосида тайёрлаш;

- Платформани жорий этиш учун лозим бўлган техник ва дастурий воситаларнинг тўлиқлиги, платформани ўрнатиш учун тайёрлиги ҳамда ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш;

- Платформани синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олиш.

Объектни тайёрлаш ва платформани фойдаланишга топшириш ишларининг муддатлари, иштирокчилари ва бажариладиган ишларнинг таркиби платформанинг фойдаланишга топшириш учун тайёрлик даражаси ва эҳтиёждан келиб чиқиб, иш жараёнида белгиланади.

Техник ва дастурий воситаларни ўрнатиш, созлаш ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича мавжуд талаблар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Буюртмачининг ходимлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

1) платформа тизим администраторлар;

2) платформадан фойдаланувчи ходимлар.

Платформа тизим администраторлар ва фойдаланувчи ходимлар учун ўқитиш ишлари Ишлаб чиқарувчи томонидан Буюртмачи томонидан белгиланган манзилда ўтказилади.

10. Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Шаффоф йўл” платформаси билан биргаликда такдим этиладиган фойдаланиш хужжатлари, буюртмачининг платформадан мустақил равишда фойдаланиши ва унга хизмат кўрсатиши учун тўлик ва старли даражада бўлиши лозим.

“Шаффоф йўл” платформасини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топишириш жараёнида, энг камида қуйидаги хужжатлар ишлаб чиқилган бўлиши лозим:

- Платформанинг эскиз кўриниши.
- Техник топширик.
- Фойдаланиш тартиби бўйича йўриқномалар.
- Тизим администратори йўриқномаси.
- Платформани синовдан ўтказиш йўриқномаси.
- Платформани Синовдан ўтказилганлиги тўғрисида йўриқнома.

Фойдаланиш хужжатларининг электрон ёки қоғоз шаклида бўлиши ҳамда неча нусхада такдим этилиши тизимни ишлаб чиқиш бўйича шартномада кўзла тутилди.

Техник топширикни ишлаб чиқувчилар

ХК “GENERAL ROAD GROUP”

СТИР: 305759980

Манзил: Тошкент ш. Анхор буйи 4

Раҳбар: Мансуров Жаҳонгир

11. Ишланма манбаалари

- О‘зДSt 1135:2007 Ахборот технологияси. Маълумотлар базалари ва жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари ўртасида ахборот алмашишига қўйиладиган талаблар.

- О‘зДSt 1985:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда хужжатларнинг турлари, комплектилиги ва белгиланиши.

- О‘зДSt 1986:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари.

- О‘зДSt 1987:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топширик.

- О‘зДSt 2590:2012 Ахборот технологияси. Миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграцияси ва ўзаро фаолиятига қўйиладиган талаблар.

- О‘зДSt ISO/IEC 13335-1:2009 Ахборот терхнологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот-коммуникация технологиялари. Хавфсизликни бошқариш. 1-қисм. Ахборот-коммуникация технологиялари хавфсизлигини бошқариш концепциялари ва моделлари.

- О‘зДSt ISO/IEC 25051:2008 Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий маҳсулот (SQuaRE) сифатига қўйиладиган талаблар ва уни баҳолаш. Тайёр тижорат дастурий маҳсулот (СЎЕК) сифатига қўйиладиган талаблар ва синовлар бўйича йўриқномалар.

- ГОСТ 12.1.030-81 Система стандартов безопасности труда. Электробезопасность. Защитное заземление, зануление.

"SHAFFOF YO'L" ОНЛАЙН АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ

- O`zDSt 2864:2014 Ахборот технологияси. Идоралараро интеграция платформаси. Умумий техник талаблар.
- O`zDSt ISO/IEC 25021:2014 Тизимлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Тизимлар ва дастурий таъминот сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш (SQuaRE). Сифат метрикаларининг элементлари.
- O`zDSt ISO/IEC TR 9294:2007 Ахборот технологияси. Дастурий таъминотнинг хужжатлаштирилишини бошқаришга оид қўлланма.
- O`zDSt ISO/IEC 14764:2008 Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий таъминот хаётий циклининг жараёнлари. Дастурий воситаларни кузатиб бориш.
- O`zDSt ISO/IEC 27003:2014 Ахборот технологияси. Хавфсизлигини таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий этиш бўйича қўлланма.
- O`zDSt ISO/IEC 27005:2013 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги рискларни бошқариш.
- O`zDSt 1204:2009 Ахборот технологияси. Ахборотнинг криптографик муҳофазаси. Криптографик модулларга хавфсизлик талаблари.
- Т 45-194:2007 Ахборот тизимларига ноқонуний кириш ҳаракатларининг олдини олишни таъминлайдиган дастурий аппарат воситаларини қўллаш бўйича тавсиялар.
- RN 45-128:2012 Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот тизимларининг техник лойиҳаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.
- Тизимдан фойдаланувчиларнинг тезкор ва статистик ҳисобот шакллари.

ТТни ишлаб чикувчи ташкилот раҳбари

Мансуров Ж.Р.

Масъул бажарувчи

Мансуров Ж.Р.

Бажарувчилар

Қодиров Д.Х.